Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

49 ИЛ ЧИҚИШИ

№ 84 (13.644).

1967 АПРЕЛЬ 9 ЯКШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

Гиждувон районидаги «Коммунизм» колхозида чигит экиш қизғин тус олди. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Муҳаббат Юсупова бошлиқ бригада чигит экишда олдинги сафда бораяпти. Сиз бу суратда бригадир М. Юсупова, механизатор И. Азизов, лебедкачи Т. Равшанов, сеялкачи О. Одилов ўртоқларни чигит экиш пайтида кўриб турибсиз.

ТЎЙГА ТЎЁНА

Коммунист мактуби

У. ИБРОҲИМОВ,
Шаҳрисабз районидаги Киров номли колхозининг бригада бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор.

<> <>

Бу йил кўп миллатли, кўп миллионли совет халқлари қаторида пахтакор ўзбеклар ҳам меҳнат озодликка чиққан, ҳокимият бойлар қўлидан меҳнат аҳли қўлига ўтган кунининг 50 йиллигини, севикли социалистик давлатимизнинг 50 ёшга тўлган кунини тантана билан нишонлайди. Бу катта тўй ҳар бир совет кишиси учун, айниқса революциядан олдинги азоб-уқубатларни кўрганлар учун, буюк инқилобни амалга оширганлар ва энг яқин кишилари ўша қутлуғ қурашда қурбон бўлганлар учун, дунёда биринчи социалистик давлатни ички синфий душманлар ва чет эл интервентларининг жон талвасасида қилган ҳужумларидан, фашистларнинг хуружидан кўкрак кериб ҳимоя қилган кишилар учун энг қувончли, энг қутлуғ кунлардан бири бўлади.

Тўйга тўёна қилиш ўзбекларнинг қадимий удуми. Халқимизда «Топган гул келтирур, топмаган бир боғ пиёз» деган нақл бор. Бу ўлкан тўйга катта гулдаста билан бориш биз пахтакорлар учун ҳам фарз, ҳам қарз. Ахир пахтакорлик касбини улуғлаш, пахтакор қадрини ошириш, унинг турмушини маъмур ва маданий қилиш тўғрисида партия ва ҳукуматимиз озмунча ғамхўрлик қилишяптими? Буни ҳар биримиз кундалик ҳаётимизда кўриб, билиб, баҳраманд бўлиб турибмиз.

Мен ўзимдан қиёс қиладиган бўлсам, юрагим тўлқинланиб, қалбим бир олам севинчга тўлади. Фалаканинг фироқларига, турмушнинг қийинчиликларига бардош беролмай отам ҳам, онам ҳам ҳузур нима, ҳаловат нималигини сира билмай кўз юмишган. Меросга қолган бир парча еримиз отаонам ўлигини кўмиш ва арзимаган маросимини ўтказиш учун бўлган сарф-харажат эвазига бойнинг ерига қўшилиб кетди. Мен етим бола фақат очдан ўлмаслик учун бир бурда нон, бир коса обиёвгон учун бировларнинг эшигида сарсон-саргардон бўлиб қолдим. Қорин қайғусидан ҳам хорлик, хўрлик алами ёмон. Кунда кунора қонқақшаб йиғлардим. Севимли шоиримиз Ғафур Ғулом каломи билан айтгандай, менга бир оғиз ширин сўз нонден арзанда эди. Инсофли, диёнатли деҳқонларнинг садағаси кетай, ўшалар мени сақлаб қолишди. Қўлимдан унча-мунча иш келадиган бўлгач чўпонликни, деҳқончиликни ўргатишди. Замон-замон бўлганидан ҳаммадан ҳам биз етимлар ниҳоятда хурсанд бўлдик. Совет давлати дунёда ягона етимпарвар давлат бўлгани, болалар уйлари, мактаблар очиб, ҳамманинг дилини ёритгани энг улуғ иш бўлди.

Улуғ Октябрь туфайли бахт топдим. Бош панасиз эдим, энди шинам уй-жойим бор. Колхозим ва меҳнатим орқали элга тўй бериб уйландим, бола-чақали бўлдим. Бир йигитча ғайрат кўрсатиб ишлаганим, тўрт йилда икки қолоқ бригаданинг энг илғор бригадалар қаторига чиқиб олишига бош-қош бўлганим ва пахтачиликни олға бостиришга кўп қатори ҳисса қўшганимни инобатга олиб, ҳукумат мени Ленин ордени билан мукофотлади. Бу катта шараф мени доим олға, бир ғайратимга ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилишга, Ватанимизнинг бахт-саодати, давлатимизнинг куч-қудратини ошириш ва мустаҳкамлаш йўлида жонимни ҳам аямасликка ундайди. Мен қишлоқ хўжалигимизни, хусусан пахтачилигимизни юксалтириш учун халқимиз олиб борган курашга камтарин ҳиссамни қўша олганлигим учун ўзимни бенихоя бахтиёр деб ҳис этаман. Республикамизнинг 40 йиллик тўйида менга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор деган унвон берилди.

Бригадамиз бултур 90 гектар ердан 42,5 центнердан «оқ олтин» олди. 138 минг сўм даромад қилдик. Бригаданинг ҳар бир аъзоси ойига ўрта ҳисобда 122 сўмдан ҳақ олди. Тракторчиларимиз Низом Бозоров ва Холмурод Ғойибовларнинг ойлик иш ҳақи эса 180 сўмга тўғри келди.

Йил бошида бригадамиз аъзолари ҳар гектар ердан 43 центнердан ҳосил олиб, Совет ҳокимиятининг 50 йиллик тўйига тортиқ қиламиз, деб ваъда беришган эди. Михаил Сергеев ва бошқа коммунистларнинг газеталарда эълон қилинган мактуби билан танишгандан сўнг ўзаро маслаҳатлашдик. Бригадамиз коммунистлари ва барча аъзолари бу йил гектаридан 43 эмас, балки 45 центнер ҳосил олиш учун курашамиз, пахта тайёрлаш йиллик планини ва мажбуриятимизни юбилей кунигача бажарамиз, бир центнер пахтанинг таннархини бултургига нисбатан 3,5 сўм арзонлаштириш ҳисобига юбилей жамғармасига камида 10 минг сўм қўшамиз деган қарорга келдик. Биздан намуна олган бошқа бригадаларнинг коллективлари ҳам пахта етиштиришни кўпайтириш, план ва олинган мажбуриятларни барвақт бажариш, маҳсулотнинг таннархини арзонлаштириш режаларини тузишмоқда.

Мен коммунист сифатида ана шу олинган юксак мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш йўлида жонбозлик кўрсатишдан ташқари, ёшларга пахтадан мўл ҳосил олиш борасида орттирган тажрибамни қунт ва эътибор билан ўргатишни, бу йил бригада аъзоларидан икки кишини алоҳида бригадани бошқаришни уддалай оладиган қилиб тарбиялаб етиштиришни ўз олдимга вазифа қилиб қўйдим.

Ҳосилдорликнинг ошиши, маҳсулот таннархининг арзон бўлиши, колхозчиларнинг маҳоратини ошириш, кўп жиҳатдан, бригадирга боғлиқ деб ўйлаймам. Аҳс ҳолда ҳар бир колхоз ва совхозда ишбилармон раис, директор, агроном, партия ташкилоти секретари бўлгани ҳолда бригадалар кўрсаткичи бир-биридан тафовут қилмас эди. Шунинг учун мен пахтачилик илмини, пахтакорлик тилини, ишчи кучи ва техникадан самарали фойдаланиш йўлларини биладиган бригадирларни тарбиялаш ҳар бир тажрибакор коммунист — бригадирнинг виждон ишига, асосий бурчига айланмоғи керак деб ҳисоблайман. Шахсан ўзим ўтган давр мобайнида уч бригадир тайёрладим. Уларнинг учтови ҳам колхозимизда пешқадамлар қаторида келяпти. Бу йил яна икки шогирд чиқараман. Номзодларни танлаб қўйганман.

Юртимизда баҳор бошланди. Деҳқон белини маҳкам боғлаб ишга тушиб кетди. Қашқадарё пахтакорларининг байроқдорларидан бири бўлиб келаётган бизнинг колхозимиз азаматлари ҳам 1400 гектар майдондан камида 36 центнердан ҳосил олиш, давлатга ўтган йилдагидан анча кўп гўшт, сут, тухум, узум, мева, сабзавот, картошка ва бошқа маҳсулотлар сотиш юзасидан олган мажбуриятларини юбилей кунигача муваффақиятли адо этиш мақсадида ишга астойдил киришдилар. Эрта-индин экишга киришамиз. Табиат тантилари қилиб турса чигитни бригадамизда 5 кунда, колхозимизда эса 10 кунда экиб бўлишни мўлжаллаяпмиз. Колхоз бўйича жами етиштирилган пахтанинг ярмини, бригадамизда эса 60 процентини машиналарда термоқчимиз.

Узун гапнинг қисқаси — Улуғ Октябрнинг мўътабар тўйига колхозимиз коммунистлари, улар қаторида бизнинг коммунистчасига ишлаётган бригадамиз аъзолари умумхалқ хирмонига имкони борича кўпроқ неъмат қўшиш учун курашга бутун куч ва ғайратларини сарфлайдилар. Эл қаторидаги ҳам тўйга гулдаста билан борамиз.

Тожикистон ССР ва Ўзбекистон ССР пахтакорларининг Улуғ Октябрь 50 йиллиги шарафига социалистик мусобақани қизитиб юбориш ҳақидаги чақириғи барча пахтакор хўжаликларни янгидан-янги меҳнат зафарларига илҳомлантирмоқда!

МУСОБАҚА—ОЛҒА ЕТАКЛАЙДИ

Р. ЧОРИЕВ,
Бухоро районидаги «Маданият» колхозининг раиси.

<> <>

Юбилей йилида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги катта-катта вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун олиб борилаётган курашда қардош республикалар қишлоқ хўжалик механизаторларининг традицион социалистик мусобақаси ғоят муҳим роль ўйнайди. Шу туфайли Тожикистон ССР Регар районидаги Ленин номли ва Ўзбекистон ССР Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхозларнинг деҳқонлари Совет ҳокимиятининг 50 йиллигини пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш мақсадида бошлаб берган ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланган ажойиб ватанпарварлик ташаббуси республикамиздаги барча деҳқонлар томонидан қизғин маъқулланмоқда ва қўллаб-қувватланмоқда.

Икки донгдор хўжалик коллективлари бошлаб берган мусобақага биринчилар қаторига қўшилган колхозимиз аъзолари юбилей йили мўл ҳосили учун курашни кун сайин авж олдирмоқдалар. Шу кунларда колхозимизга келган ҳар бир киши бунинг гувоҳи бўлади.

Бизнинг шароитимизда ернинг шўрини ювиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Деҳқонларимиз ана шу муҳим агротехника тадбирини сифатли тугалладилар. Шунингдек, ер яхшилаб текисланса, чигит экиш осон бўлади, сеялкалар равон юради, иш унумдорлиги ошади. Буни эътиборга олган механизаторларимиз барча пахта майдонини кафтдек текислашди. Чигит экиш бугун бир вақтда ерга солиш учун далага кўплаб ўғит ташиб чиқариляпти. Техника тахт қилиб қўйилган. Экиш агрегатларининг экипажлари ишга шай. Ҳамманинг фикри-хаёли мўл ҳосилнинг гарови бўлган экиш кампаниясини қулай агротехника муддатида тез ва сифатли ўтказиш ҳамда уруғни бир текис ундириб олиш билан банд.

Ери-ерига, дили-дилига тутташ, мақсади бир қон-қардош халқларнинг ўзаро мусобақаси юбилей йилида умумий юксалишга эришувимизга хизмат қилади. Деҳқончиликда орттирган тажрибамизни ўзаро ўртоқлашиб, бу йил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўллигини вужудга келтириш йўлида биргаликда кураш олиб борамиз. Шу нарса аниқки, қардош республикалар қишлоқ хўжалик механизаторларининг ўзаро социалистик мусобақа ва ўзаро ёрдам тожик дўстларимизга ҳам, бизга ҳам пахта ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришда ёрдам беради. Чунки, тожикистонлик деҳқонлар сингари биз ҳам юбилей йилида юксак марраларни эгаллаш мақсадида меҳнатда жасорат ва мардлик кўрсатишга, маҳоратимизни тўла ишга солишга қаттиқ аҳд-паймон қилдик.

Хўжалигимиз пахтакорлари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари Тожикистон ва Ўзбекистон пахтакорлари мусобақаси ҳақида газетада эълон қилинган материалларни муҳокама қилар эканлар, комплекс механизацияни янада кенг жорий этиб, деҳқончилик маданиятини тағин ҳам ошириш, фан эришган муваффақиятлар ва илғор тажрибага амал қилиш ҳамда меҳнатни ташкил қилишнинг прогрессив формаларини қўлланиш асосида бу йил ҳосилдорликни гектар бошига 30 центнерга етказиш, беш йилликнинг охирига бориб эса етиштириладиган пахтанинг миқдорини камида бир ярим баравар кўпайтириш, бу йил бултургидан, келгуси йилларда эса бу йилгидан кўпроқ пахтани машиналарда териб олиш тадбирларини белгиладилар ва уни амалга оширишга киришдилар. Колхозимизнинг ҳар бир деҳқони, механизатори ўз зиммасига олган юксак мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун интиляпти. Бу, мавжуд 1250 гектар майдоннинг ҳаммасини чигит экишга барвақт ва сифатли тайёрлаш имконини берди. Шунингдек, ҳосилдорликни оширишда маҳаллий ўғитнинг аҳамияти бениҳоя катталиги эътиборга олиниб, далага тобора кўпроқ гўнг ташиб чиқарилмоқда.

Пахта етиштиришни кўпайтириш, унинг таннархини арзонлаштириш ва сифатини яхшилашда техника катта роль ўйнайди. Техникага ихлос қўйган пахтакор кўзлаган мақсадига албатта эришади. Буни тажриба исбот этмоқда. Хўжаликдаги мавжуд техникага таяниб, чигитни 7-9 иш кунида экиб бўтишга қарор қилдик. Маълумки, эрта экилган чигит барвақт униб чиқади. Демак, ғўза эрта шоналайди ва гуллайди, қўсаклар барвақт очилади. Натижада ҳосил йиғим-теримига эртароқ киришиб, уни ёғинсочинли кунлар бошлангунга қадар териб олиш, нобудгарчилик ва маҳсулот сифатининг бузилишига йўл қўймаслик имкониятини туғилади. Бунга фақат техникадан яхши фойдаланиш йўли билан эришиш мумкин.

Биз юбилей йили вазифаларини муваффақиятли бажариш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун социалистик мусобақа байроғини тобора баланд кўтарамиз. Мусобақа пахтакорларимизни доим олға бошлайди, янги зафарлар қозонишда ҳал қилувчи омил бўлади.

СССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МИНИСТРЛИГИДА

Қўклам экиш ишларига яхши тайёргарлик кўриш ва бу ишларни уюшқоқлик билан ўтказиш — юбилей йилида мўл ҳосил учун курашаётган қишлоқ меҳнаткашларининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Колхоз ва совхозларда олинган мажбуриятларни бажариш учун, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтириш учун социалистик мусобақа кенг авж олмоқда.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги коллегияси яқинда В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик Фанлари академияси билан биргалиқда ва иттифоқдош республикалар қишлоқ хўжалик министрлари ўринбосарлари, дон етиштириладиган асосий ўлка ва областлар қишлоқ хўжалик бошқармалари раҳбарларининг иштирокида қўклам дала ишларининг боришини ва қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ҳамда совхозларнинг бу йил мўл ҳосил етиштирилишини таъминлаш соҳасидаги вазифаларини қараб чиқди.

Коллегия колхоз, совхозлар ва қишлоқ хўжалик мутахассислари уруғликларни тозалаш ва экиш учун юксак кондицияларга етказиш, ўғитни тайёрлаш ва далага чиқариб солиш, техникани дала ишларига тайёрлаш, илғор меҳнат методларини колхозчиларга ва совхоз ишчиларига ўргатиш соҳасида катта иш қилаётганликларини таъкидлади. Бу йил қўклам экиш ишларини муваффақиятли ўтказиш учун зарур шарт-шароитларнинг ҳаммаси мавжуддир. Мамлакатнинг жанубий районларидаги кўпгина колхоз ва совхозлар қўклам дала ишларига киришдилар.

Коллегия бу йилги қўклам шароитлари айниқса зўр уюшқоқлики, қўкламги бутун дала ишларини ўз вақтида ва ғоят сифатли қилиб ўтказишни, ҳар бир хўжалик учун ва ҳар бир дала учун агротехника тадбирларини белгилашга табақалаштирилган ҳолда ёндашишни, ўғитлардан тўла ва тўғри фойдаланишни, мўл ҳосил учун кураш чораларининг бутун комплексини амалга оширишни талаб этаётганлигига республикалар, область ва районлардаги қишлоқ хўжалик органларининг эътиборини жалб этди. Тупроқда нам тўплаш, сақлаш ва ундан мақсадга мувофиқ фойдаланишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Дала ишларининг биринчи кунлариданоқ барча колхоз ва совхозларда ҳар бир машинадан ғоят унумли фойдаланишни таъминлаш, агрегатларнинг одатда икки сменада ишлашини уюштириш, механизаторлар учун зарур маданий-маиший шароитларни яратиб бериш, дала ишларининг юқори сифати ва бу ишларни қисқа муддатларда яхши ўтказиш учун ходимларнинг моддий манфаатдорлиги тартибини қўллаш ва жавобгарликни ошириш керак.

Қишлоқ хўжалик мутахассислари кўкламги экиш ишларини ўтказишда, мўл ҳосил учун курашда ғоят муҳим роль ўйнайдилар. Улар ишлаб чиқаришнинг ташкилотчилари ва технологлари бўлиб, мавжуд шарт-шароитларни ҳисобга олиб агротехника қоидаларини ижодий тарода ишлаб чиқишлари ва тўғри қўлланишлари, ҳар бир даладан мўл ҳосил олишишни таъминлашлари лозим.

Коллегия қишлоқ хўжалик органлари, илмий-тадқиқот муассасалари, колхоз ва совхозларнинг мутахассисларидан деҳқончилик маданиятини юксалтириш соҳасидаги ишларни кучайтиришни талаб қилди. Кўкламда мўл ҳосил учун мустаҳкам асос яратиш, план-заказларнинг бажарилишини ва давлатга пландан ташқари маҳсулот сотилишини таъминлаш — мамлакатимиздаги барча колхоз ва совхозларнинг шарафли ишидир.

ТЕЛЕГРАФ ЛЕНТАЛАРИДАН

50 ЦЕНТНЕР УЧУН

Колхозимиз бу йил 1202 гектар майдонга чигит ташлайди. Аҳдимиз — ҳар гектар ердан 50 центнер «оқ олтин» кўтаришдир. Далага 20 минг тонна маҳаллий ўғит чиқардик. Ҳозиргача 536 гектар майдонда шўр ювиш тугалланди. Бугун-эрта оммавий равишда чигит экишга киришамиз.

Тожикистон ССР Регар районидаги Ленин номли, Ўзбекистон ССРнинг Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхозларнинг қардош пахтакорлар ўртасидаги социалистик мусобақани кучайтириш тўғрисидаги чақириқлари ҳаммамизнинг ғайратимизга ғайрат қўшди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган бу чақириқ юбилей йилида барча пахтакорлар ва илғор хўжаликларнинг ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштиришларига катта даъватдир. Биз буни яхши англамоқдамиз. Юбилей йили социалистик мусобақасини ҳар тарафлама кучайтириб, ўз устимизга олган мажбуриятни шараф билан бажариш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қиламиз.

Собир ОЛЛАБЕРГАНОВ,
Қўшнўпир районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси.

КЎРИШГУНЧА ХАЙР, АЗИЗ МОСКВАЛИКЛАР!

Оқ йўл, азиз дўстлар! Кўришгунча хайр! — деган сўзлар 8 апрель куни Тошкент аэропортида янграб турди. Тошкент меҳнаткашларининг вакиллари Совет давлатининг 50 йиллигига бағишланиб ўтказилган Москва кунлари байрамида қатнашган совет пойтахти намояндаларига яна бир марта чин кўнгилдан раҳмат айтиш учун бу ерга келишган эди.

Москваликлар билан бўлган ва завқ-шавққа тўла учрашувлар ўзбеклар диёрида беш кун давом этди. Ниҳоят, хайрлашув дамлари келди: КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари А. М. Калашников бошчилигидаги Москва делегацияси меҳмондўст Тошкентдан жўнаб кетди.

Аэропортда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари И. Г. Анисимкин, Р. Курбонов, В. Г. Ломоносов, Н. Г. Ляшченко, Н. М. Матчонов, Е. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолигига кандидат М. Т. Турсунов, шаҳардаги партия, совет жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, маданият арбоблари меҳмонларни кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар Тошкент ва бутун Ўзбекистон меҳнаткашлари номидан москваликларга қизғин кардошлик саломи топширишни илтимос қилдилар. (ЎзТАГ).

Монголия олимларининг делегацияси Тошкентда

СССР Фанлар академиясининг таклифига биноан, академия президенти Б. Ширендэв бошчилигида мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Монголия Халқ Республикаси Фанлар академиясининг делегацияси Ўзбекистон фанининг муваффақиятлари билан танишмоқда.

8 апрель куни монгол олимлари Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумида қабул қилинди. Республика фанлар академиясининг президенти, СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси О. С. Содиқов қардош мамлакатдан келган меҳмонларга Ўзбекистон фанининг ривожи тўғрисида гапириб берди ва уларнинг саволларига жавоб берди. (ЎзТАГ).

ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

Вобкент районидаги «Зарафшон» колхозининг деҳқонлари Улуғ Октябрь революциясининг 50 йиллиги юбилейи вахтасида туриб меҳнат қилмоқдалар. Областда биринчилар қатори чигит экишга киришилди.

Юбилей йилида ҳосилдорликни 30 центнердан ошириш учун курашаётган Турсун Тошев бошлиқ комплекс механизациялашган бригада коллективи 63 гектар пахта майдонининг қариб ярмига квадрат уялаб уруғ қадади. Экиш билан бир вақтда ерга ўғит солиб кетилмоқда. Чигит экиладиган ерларнинг четлари, бурчакларига ҳам уруғ ташланиб, тўла гектар ҳосил қилиш учун курашилмоқда.

— Ваъдамиз катта, — дейди бригадир Т. Тошев, — бу йил ҳосилни гектарига 3,5 центнер оширамиз.

Ҳ. ҚОДИРОВ.
Бухоро области.

ШОЛИ МЎЛ БЎЛАДИ

Республикамиз далаларида ижодий меҳнат бамисоли булоқдек мавж ура бошлади. Деҳқоннинг ташвиши кўпайди. Шоликорлар ҳам юбилей йилида ўз устларига олган социалистик мажбуриятларини бажариш учун курашни ҳозирданоқ қизитиб юбордилар. Кўпгина хўжаликларда экиш-тикиш ишларига пухта тайёргарлик кўриляпти.

Мухбиримиз Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг дон ва озуқабоп экинлар бошқармасига бир неча саволлар билан мурожаат қилди. Бошқармадагилар бу йилги шоли экиш мавсумига қандай тайёргарлик олиб борилаётганлиги ҳақида саволларга бажонидил жавоб қайтаришди.

Шоликорларнинг бу йилги мажбуриятлари қандай? Ҳозир далаларда нималар қилиняпти?

Республикамиз шоликорлари бу йил 150 минг тонна шоли етиштириш ва шундан 83 минг тоннасини давлатга сотиш мажбуриятини олганлар. Биргина Қорақалпоғистон АССР 30500 тонна шоли сотади. Бу ерда гектар бошига 24 центнердан шоли етиштирилади. Шунга яраша кўпгина хўжаликларда экишга ҳар томонлама яхши тайёргарлик кўриляпти. Далалар текисланиб, сув шохобчаларини қазиш тугалланай деб қолди.

Шолини кисқа муддатларда экиб олиш учун республикамизда 4452 та сеялка тахт қилиб қўйилди. Мавжуд 442 та шоли ўриш комбайнлари ремонти ҳам яқин кунларда бошланади. Лекин айрим хўжаликларда экишга тайёргарлик дуруст эмас. Масалан, Тошкент областидаги «Октябрь 46 йиллиги» совхозида ерларни ҳайдаш плани 60 процентдан сал кўпроқ, ирригация шохобчаларини қазиш плани эса 1 процентдан зиёдроқ адо этилди.

Уруғ тайёрлаш қандай бораяпти?

Барча хўжаликларда 11,6 минг тонна шоли уруғи тайёрланиши керак. Лекин ҳозиргача омборларга 5,8 минг тонна уруғлик тўкилди. Давлат ресурсларидан хўжаликларга сотиш учун 5,1 минг тонна уруғлик ажратилди. Бу уруғлик дон маҳсулотлари министрлиги базасидан ташиб олиниши лозим. Ҳозиргача омборлардаги шоли уруғининг 2,1 минг тоннаси тозаланиб, экишга тайёрлаб қўйилди. Уруғликни тайёрлаш плани 36 процент бажарилди. Министрлик базасидан эса энди 2,4 минг тонна шоли ташиб олинди.

Уруғликни экишга тайёрлаш айниқса, Қорақалпоғистон АССРда қониқарсиз бормоқда. Бу ерда министрлик базасидан пландаги

Бизнинг интервью

2,3 минг тонна ўрнига 688 тонна уруғлик ташилган, холос. Сирдарё областида ҳалигача бирор грамм ҳам шоли уруғи тозаланганй йўқ. Хоразм, Бухоро областларида ҳам худди шундай аҳволни кўриш мумкин.

Сурхондарёликларни мақтаса арзийди. Улар экиш учун зарур уруғликнинг ҳаммасини ташиб олиб тозалаб қўйдилар.

Сурхондарё, Тошкент, Сирдарё каби областларда апрель ойининг охирларидан бошлаб шоли экишга киришилади. Бироқ, кўпгина жойларда уруғликни ташиб олиш ва тозалаш ишларини қаноатланарли деб бўлмайди. Шунга кўра, дон ва озуқабоп экинлар бошқармаси шоли уруғини тезроқ ташиб олиш ва экишга тайёрлаш юзасидан алоҳида контроллик ўрнатди ва бу ишнинг қисқа муддатда бажарилишига оид тадбирларни белгилади.

Кадрлар тайёрлаш масаласида нималар қилиняпти?

Республикамизнинг шоликорлик хўжаликларида бу йил 841 та механизатор тайёрланиши керак. Ҳозиргача 233 механизатор кадр тайёрланди. Йирик совхозлар хузурида механизатор кадрлар тайёрлаш бўйича қисқа муддатли курслар очилган. Бу курсларда механизаторлар ўқитилмоқда. Шоли экиш кампанияси оммавий равишда бошланадиган вақтга қадар барча хўжаликларни механизатор кадрлар билан тўла таъминламоқчимиз.

Механизатор кадрларни кўплаб тайёрлаш йўли билан шоли етиштиришни тобора кўпроқ механизациялаштириш тадбирлари ҳам амалга оширилмоқда. Шу беш йилликнинг охирида биргина Қорақалпоғистон Автоном Республикасида 25 та шоликорлик совхози ташкил этилиб, уларнинг ҳаммаси тўла механизациялаштирилади. Шоликорликда механизатор кадрлар бизнинг олтин фондимиз бўлиб қолади.

Шоликорларга давлатимиз кўрсатаётган ёрдам ҳақида икки оғиз гапириб берсангизлар!

Партия ва ҳукуматимиз ўзбек шоликорларига ҳар тарафлама катта ғамхўрлик кўрсатишяпти. Шу йилнинг ўзида давлатдан 26,8 минг тонна минерал ўғитлар оламиз. Айни вақтда 55 та «СКПР-4» шоли ўриш комбайни, 50 та «ДТ-75» трактори ва бир неча «Д-267 А» канавакопателлари беришяпти. Бу ўғитлар ва техникадан оқилона фойдаланиб, шолидан йил сайин мўл ҳосил олинишини таъминлайверамиз. Шоликорларимиз давлат кўрсатаётган ғамхўрликдан беҳад миннатдор эканликларини изҳор қилмоқдалар.

* * *

Колхоз ва совхозларда шоли ҳар бир хўжаликнинг ер-сув ҳамда об-ҳаво шароитини ҳисобга олган ҳолда экилади. Илғорлар апрелнинг охиридан шоли эка бошлайдилар. Шолини ўз муддатида экиб, кўкартириб олиш ва катта-катта майдонларда мўл ҳосил етиштириш деҳқонларимизнинг жанговар вазифаси ҳисобланади. Шундай экан, шоликорлар экиш-тикишга шошилишлари зарур.

Партия турмуши

ТАШАББУСНИНГ ТУҒИЛИШИ

Улар район пахтакорларининг кенгашида танишишди. Минбарда Охунбобоев номли колхоз комплекс механизациялашган бригадасининг бошлиғи, коммунист Жўрабой Матхолиқов. У сўзини якунларкан:

— Бу йилги аҳдим — гектар бошига 35 центнердан ҳосил етиштириш. Марди бўлса чиқаверсин, беллашаверамиз,— деди. Зални қарсак тутди. Сўнг, раислик қилувчи сўради:

— Қани, Жўрабой билан мусобақалашадиган азамат борми?

Бу сафар зал сув сепгандай жимиб қолди. Гектаридан 35 центнер! Бу айтишга осон. Ҳолва деган билан оғиз чучимагандек, меҳнатсиз, техника жиловини қўлга олмай туриб, уни яратиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Ж. Матхолиқовнинг чақиригига биров дадил жавоб беришга ботинолмасди. Шунда одамлар орасидан, бақувват бир йигит ўрнидан турди, у минбарга яқинлашди.

— Йигит сўзидан қайтмас, арслон изидан. Жўравой ака билан мен беллашаман. Канал тепасида фойдаланилмай ётган 90 гектар ерда «оқ олтин» ундираман, ҳосилнинг ҳаммасини машина билан теріб оламан,— «Коммунизм» колхозининг ёш механизатори, коммунист Ғаниобой Даминовнинг сўзидан кейин яна қарсак кўтарилди, яна олқишлар...

Бироқ, қарсак, олқиш, мийбадан туриб ваъда бериш бошқа, ёз бўйи қилинган меҳнат саллюги тарози босганида, хирмон устида қилинган ҳисоб-китоб бошқа. Ғаниобой ҳам ана шулар ҳақида ўйлади. Мусобақа бошланди. Ундан кейинги номарднинг иши. Лекин, ёш коммунистнинг ҳаёли бошқа фикр, бошқа масала билан банд эди: у бундан атиги учтўрт кун илгари янги тузилган бригадага бошлиқ этиб тайинланганди. Бунга раис нима деб экан? Партком-чи? «Ўзбилармонлик» қилгани учун раисдан гап эшитиши аниқ. Лекин Ғаниобойнинг бутун умиди партком «секретаридан, у ёрдам беради.

Кутгандай бўлиб чиқди.

— Бу иш сенинг қўлингдан келмайди. Мусобақалашаман десанг, колхоздаги истаган бригада билан мусобақалашавер. Мен сени деб райкомдагилар олдида қизаришни хоҳламайман, вассалом, — раис бригадирнинг гапларига жавоб қайтаришни ҳам истамади.

Партком секретари ҳам Ғаниобойнинг кўнглини кўтариб, «Гаплашамиз, ёрдам берамиз», дедию, раиснинг сўзига қарши кескин чиқолмади. Масала район партия комитетига етди. Даминов райком секретари билан бафурлик гаплашди. Кўнгилдаги орзу-истакларини бирма-бир сўзлаб берди. Раснинг «насиҳат»ларини ҳам яшмади. Райком бюроси масаланинг моҳиятига тўла эътибор бериб, икки колхоздаги икки бригадир — Ғаниобой Даминов ва Жўрабой Матхолиқовларнинг ташаббусини мақуллади. Уни райондаги барча бригадалар орасида оммалаштиришни тавсия этди.

Суратда: (чапдан) Ж. Матхолиқов ва Ғ. Даминов ўртоқлар.

* * *

Жўрабой Матхолиқов бошлиқ бригада аъзолари, Ғаниобойнинг колхозида бўлиб ўтган воқеадан бехабар. Улар ерни семиртириб, техникани экишга шай қилиб қўйишди. Ғаниобой ҳам бўш келмади. Колхоз правлениесидан керакли техника, кучи ажратиб олди. Ж. Абдуллаев, А. Қодиров сингари тажрибали коммунистлар билан бамаслаҳат иш тутди. Ғаниобой тажриба ўрганиш мақсадида Ж. Матхолиқов бригадасига борди. Бу ердаги меҳнат интизоми, тартиб унда яхши таассурот қолдирди. Бригада аъзолари далага аниқ режим асосида чиқадилар. Суввчилар, механизаторларнинг ишлашига қулай шароит яратиб берилган. Дала шийпонида радио, телевизор, телефон. Бригада партия ташкилоти илғор ёшларни партия сафига тайёрлаяпти, аъзоларнинг қариб 60 процента кечки мактабда билимларини ошираяпти.

Шунда Ғаниобой Даминов икки бригада ўртасидаги мусобақа фақат мўл ҳосил етказиш, маҳсулот таннархини камайтиришдангина иборат бўлмай, колхозчилар орасида сиёсий-тарбиявий ишларни кенг йўлга қўйиш, илғор ёшларни КПСС сафига ўтказиш, маданий турмуш учун қураш каби масалаларни ҳам ўз ичига олишини тушунди.

Ғаниобой ҳам ўз бригадасида худди шундай шароит вужудга келтиришга қатъий бел боғлади. У бу масалани колхоз коммунистларининг умумий йиғилишига қўйди. Коммунистлар ёш бригадирнинг мулоҳазаларини қувватлаб гапиришдилар, бунга ёрдам беришни парткомдан талаб қилишдилар. Бригадада янги типдаги дала шийпони қад кўтарди. У колхозчиларнинг ҳақиқий дам олиш жойига айлантирилди. Коммунистларнинг сони етарли бўлгани учун бригада партия ташкилоти тузилди. Ишчан коммунист Ҳусан Каримов унга секретарь қилиб сайланди.

Кузга келганда ҳар икки мусобақадош ҳам бир-бирини уялтириб қўймади. Агар Жўрабой Матхолиқов бригадаси бўйича ҳар гектар ҳисобига 35 центнердан ошириб ҳосил олинган бўлса, Ғаниобой бошлиқ бригада пахтакорлари биринчи марта чигит экилган шўр ердан 32 центнердан «оқ олтин» етиштирдилар.

1966 йилда икки коммунист бошлаган ташаббус кенг қулоч ёйди. Энди фақат бригадаларгина эмас, «Коммунизм» колхози Охунбобоев номли колхозни пахта ҳосилдорлигини ошириш, колхозчиларнинг маданий-сиёсий савиясини кўтариш бўйича социалистик мусобакага чақирди. Якунлар қувонарли: иккала колхозда ҳам давлатга пахта сотиш плани ошириб бажарилди. Бир центнер пахтанинг таннархи анча арзонлашди. Бир меҳнат кунига 4-4,5 сўмдан пул тақсимланди. Бир колхозчининг ўртача ойлик иш ҳақи 100-120 сўмга тўғри келди.

Мусобақага Ғаниобой ҳам, Жўрабой ака ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Ғаниобойнинг ўзи «пўлат от» бункеридан 150 тоннага яқин пахта тўкди. Э. Бўрибоев, С. Жамолов, Х. Қўчқоров сингари ёшларни механизаторликка ўргатди. Бригада коммунистларининг сони илғорлар ҳисобига ўсди. Ҳар икки коллектив ҳам коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли ном олиш учун кураш олиб бораяпти.

Ташаббускорлар республика пахта усталарининг қурултойида қатнашиб, юбилей йилида қилинадиган ишларнинг режаларини белгилаб олишди.

А. МАДУМАРОВ,
Избоскан райони.



Суратда: Тошкентнинг Чилонзор массивида Новокузнецк ва Челябинск қурувчилари тиклаган янги уй-жой бинолари.
А. Тўраев фотоси.

ОКТЯБРЬ ОЛДИ МУСОБАҚАСИ

Маҳмуд Юсупов, Ольга Шварц, Шариф Юсупов, Фая Аброскина сингари ўнлаб ишчилар Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига муносиб туҳфалар тайёрлаш юзасидан шахсий мажбуриятлар олганлар. Улар олган мажбуриятларини муваффақиятли бажаришяпти. Ҳар сменада планга қўшимча маҳсулот тайёрлашмоқда. Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикаси коллективида шундай пешқадамлар кўпайиб бораётир. Пойафзалчилар юбилей олди мусобақасида қувончли натижаларга эришмоқдалар. Уч ойлик план муддатидан илгари бажарилди. Кейинги бир ойнинг ўзида планга қўшимча 1000 жуфт пойафзал ишлаб чиқарилди.

Қ. МАЛИКОВ.

Республика мебелчилари мусобақасида олмалиқлилар олдинда бораяптилар. Олмалиқ мебель фабрикаси коллективи беш йиллигининг иккинчи йили дастлабки квартали планини барвақт адо этди. Пландан ташқари 60 минг сўмлик турли хил мебеллар ишлаб чиқарилди ва савдо тармоқларига жўнатилди.

Х. ҚОСИМОВ.

Наманган авторемонт устахонаси коллективи биринчи квартал планини муддатидан илгари бажарди. Кейинги икки ойда «ГАЗ-69» ва «УАЗ» машиналаридан анчагинаси планга қўшимча ремонт қилиб чиқарилди. 370 ўрнига 435 та «ГАЗ-51» автомашиналарининг моторлари ремонт қилинди. Утган йилнинг шу давридагига қараганда бу йил 10,5 минг сўмлик кўп ремонт ишлари бажарилди.

А. ОБИДОВ.

Ахлоқ ва одат

ЙИЛ ТЎЙИ

Сўнгги йилларда халқимиз орасида урф бўлиб келаётган янги маросимлардан бири йил тўйидир. Туғилган кунни нишонлаш тўйи бизга қардош халқлар орқали кириб келди. Масалан, славян халқлари оила аъзоларининг туғилган кунини ҳар йили нишонлайдилар. Бир хонадонда яшовчилардан ҳар бирининг туғилган куни шу оиланинг байрами ҳисобланади. Шу қутлуғ кунни унутмаган қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар уни ёшига ёш қўшилгани билан қутлайдилар, яхши тилаклар билдирадилар. Шу куни ошхонада севган таом пиширилади. Хушчақчақлик авж олади. Ёшига ёш қўшилган одам гўдак бўлса унга ўйинчоқ, ўқувчи бўлса унга китоб, альбом, кекса бўлса юмшоқ ва сочиқми совға қилишади. Шу билан кўнгил овлашади.

Ёш йигит ёки қизнинг йил тўйи бўлса хушчақчақлик, ашула, рақс билан тугайди.

Йил тўйига ҳеч маҳал меҳмон таклиф этишмайди. Бу таъмагирлик дейишади. Зиёфатга таклиф этилган киши қуруқ келмайди. Меҳмон совға олиб келса, мезбон ҳам қарздор бўлиб қолади, деган андишага боришади. Шунинг учун ҳам йил тўйлари ихчамгина оила байрами бўлиб ўтади.

Ҳар бир оилада инсон туғилган кунни қутлаш, одамни эъзозлаш жуда яхши одат. Бу оила аъзоларининг бир-бирига меҳри-муҳаббатини, қадр-қимматини оширади, улар орасидаги дўстликни мустаҳкамлайди. Вазнинг ўзбек хонадонларида ҳам ёш-қарининг туғилган кунини ширингина оила байрами тарзида хушвақтлик билан ўтказаётганлар кўпайиб бораяпти. Бироқ шу оила байрамига меҳмонларни таклиф этиб, маҳалла-қўйни, ўзи ишлаган корхона ёки муассаса ходимларини чиқимдор қилиб, «менинг ўғлим бугун уч ёшга тўлди» ёки «каминангиз бугун 38 га кирди, қимматингни кўрсат» дейдиганлар ҳам учраб қолади. Қарабсизки, ҳамкасблар икки-уч сўмдан пул йиғиб, совға-салом келтирса, қариндош-қўй етаклаб келади, яна дабдаба... яна исроф-гарчилик...

Кўпгина меҳнаткаш оилаларда фарзандлар ота-оналарнинг 50-60-70 ёшга тўлган кунларини байрам қилишяпти, ишчи-хизматчиларнинг «туғилганига фалон йил, меҳнат фаолиятига фалон йил тўлган» кунни ҳатто ҳукуматимиз ҳам нишонлаётир. Ҳаётимизни гўзаллаштирувчи бундай янги урф-одатлар ривож топсин.

Йил тўйи — оила байрамлари ихчамгина, ширингина бўлиб ўтаверсин-ку, аммо оила ҳаражати донрасидан чиқмагани маъқул. Яқинда Сайёра исмли бир жувон билан суҳбатлашиб қолдик. «Биз эр-хотин ойига 300 сўмча маош оламиз. Уч фарзандимиз бор. Баъзан шуни ҳам етказолмай, ойимларнинг қўлларига қараймиз. Ҳафтада бир-икки лозимат чиқиб уруғ-аймоқ, қўни-қўшни ва ҳамкасблар йил тўйига таклиф қилишади, бормасанг хафа бўлишади, борсанг совғасига ҳайронсан, уча-мунча нарсани назар-писанд қилишмайди», деб қолди. Нима дейишимни билмадим. Сиз ўз уйингизда ўтадиган оила байрамларингизни ихчамгина, бировга малол келмайдиган қилиб, ширингина ўтказасанг-из, улар сиздан ўрнак олишади деб ҳўя қолдим.

Умуман совгаларнинг катта-кичиги йўқ. Яхши-ёмон кунда кўнгилга яқин кишилар ҳасрат ва қувончингизни ўртоқлашгани келишининг ўзи, инсонга эътиборнинг ўзи катта совға. Топган гул келтирур, топмаган бир боғ пиёз, деган халқимиз. Мезбонни туганмас қарзга қолдириб, катта совға қилгандан кўра, беминнат кичик совға қилган маъқул. Бир жуфт олма ҳам, бир даста гул ҳам, битта галстук ёки китоб ҳам совға-да ахир. Кўнгилларни тоғдек кўтарган ширин сўз ва яхши тилаклар ҳам инсонга эътиборни ифодалайди.

Чиндан ҳам ёшига ёш қўшилиб, давон ошган, камол топган инсон туғилган кун шу оиланинг қувончи билан эъзозлансин, кўнгли тоғдек кўтарилсин.

С. ШАМСИЕВА,
педагог.

ЧЎЛҚУВАРЛАР САФИ ЎСМОҚДА

Андижон области қишлоқ хўжалиги мутахассислари — агроном, инженер, механизатор, суввчи, боғбон ва соҳибкорлар, чорвачилик фермалари меҳнатчиларидан тўрт юздан қўпроқ киши Мирзачўл ва Марказий Фарғонага доимий яшаш учун кўчиб бориш истагини билдиришди. Ленин, Балиқчи, Избоскан ва бошқа районларнинг деҳқонлари чўлқуварларни тантанали суратда кузатиб қолдилар.

Сирдарё областида Андижонликлар қўриқ ерлардаги «Андижон», 17-совхозлар ва бошқа хўжаликларнинг меҳнат коллективларида ишлайдилар. (ЎзТАГ).

БОЛТИҚ МАҲАЛЛАСИ

Тошкентнинг Чилонзор массиви донги бутун мамлакатга машҳур бўлиб кетган. Бу ерда Иттифоқимизнинг турли томонларидан келган қурувчилар янги уй-жойлар барпо қилмоқдалар. Болтиқ бўйи республикаларидан келганлар — литвликлар, эстонлар ва латвияликлар янги маҳалла бунёд этаётирлар.

Яқинда шу маҳаллада бўлдик. Литва, Эстония ва Латвия республикаларидан келган азамат бинокорлар бу ерда кўплаб уй-жой тикламоқдалар. Қардош литваликлар Ўзбекистон пойтахти аҳолисига 10 минг квадрат метр уй-жой ва 280 ўринли болалар боғчаси қуриб беришга аҳду паймон қилиб, жадал иш бошлаб юборган эдилар. Ҳозирги вақтда ана шу аҳду паймоннинг дастлабки самаралари кўринди қолди. Улар 100 квартирали дастлабки уй-жой биносини қуриб фойдаланишга топширдилар.

Мана шу уйларга назар солганимда хаёлан бу биноларни бошқа иморатларга қиёс қилдим. Литваликлар тиклаган уйлар ҳақиқатан ҳам мустаҳкам ва кўркам. Литва заводлари, айниқса Даугелийский бинокорлик материаллари комбинати юқори сифатли пардозбоп ғиштлар ва бошқа зарур материалларни пешма-пеш жўнатиб турибди. Комбинат меҳнаткашлари қўли билан яратилган ғиштларнинг мақтови мамлакатимиз ташқарисида ҳам тилга тушиб қолган. Даугелийский қурилиш комбинатида ишлаб чиқарилган пардозбоп ғиштлар Скандинавия мамлакатларига кўплаб экспорт қилинади. Худди шундай кўркам ғиштлар ёрдамида Тошкентда янги иморатлар қурилмоқда.

Литва қурувчилари тиклаган уйларнинг яна бир кўзга ташланиб турадиган жиҳати шундаки, бу уйларга санитария-техника кабиналари йиғилган ҳолда шундайлигича келтириб ўрнатилмоқда. Санитария-техника кабиналари деб аталувчи мана шу узелни Вильнюс уйсозлик комбинати тайёрлаб жўнатяпти. Ҳар йили корхона конвейеридан минглаб шундай кабиналар тушиб турибди. Уларнинг қулайлиги шундаки, ҳамма нарсаси жой-жойига қўйиб йиғилган узел тахт бўлган уйга ўрнатилади-қўйилади. Санитария-техника кабиналарини иморатга ўрнатиш учун ортиқча сарф-харажатлар ва меҳнат талаб қилинмайди. Бундай кабиналар трайлер ёрдамида заводдан тўппа-тўғри Тошкент қурилишига етказиб берилмоқда.

Бундай уйларнинг ички кўринишни ҳам чиройли. Литвликлар уй деворларини пардозлашда ва полни қоплашда пластмассадан, полистирил плиталар ва полихлорвинил линолеум деб аталувчи янги хил материаллардан муваффақиятли фойдаланмоқдалар.

Қардошлар барпо қилган уйлар Ўзбекистоннинг иссиқ иқлимига ҳам мослаштирилган. Уйнинг тепасида вентиляция ускуналари ўрнатиляпти. Яқинда фойдаланишга топширилган кўп хонали уйлар ана шундай қулайликларга эга.

Эстония республикасидан келган шербилак қурувчилар 100 квартирали бир уй, яна 50 квартирали бино, шунингдек, 280 ўринли болалар боғчаси қуриб бериш учун қўлни-қўлга бериб меҳнат қилмоқдалар. Латвияликлар 8,5 минг квадрат метр ҳажмда уй-жой бинолари, боғча, ясли ва бошқа иншоотлар тиклайдилар. Ҳар уч республикадан келган бинокорлар жасорат шаҳри аҳолисини қисқа муддатда уй-жой билан таъминлаш учун бошланган ҳаракатда актив қатнашмоқдалар. Болтиқ бўйи республикалари бинокорлари ўтган йилнинг ўзида 300 квартирадан иборат уй-жойни қуриб топширдилар. Ҳозир яна 150 квартирали уй-жой бинолари тахт қилиб қўйилди.

Болтиқ бўйи республикаларининг марказий шаҳарларидан Тошкент қурилишига вагон-вагон бинокорлик материаллари ҳар куни келиб турибди. Егоч, арматура, цемент, темир-бетон конструкциялар, хуллас, янги бино тиклашга нимаики зарур бўлса — ҳаммаси етказиб бериляпти. Литва қурувчилари архитектура ва қурилиш ишлари сифати бўйича ҳар йили ўтказиладиган Бутуниттифоқ кўрик-конкурсларида бир неча марта ғолиб бўлиб чиққанлар. Улар бинокорлик соҳасида тўплаган бой тажрибаларини Тошкент қурилишларида муваффақият билан қўллаяпти. Литваликлар зилзилага бардошли уйлар қуришда янги усулдан фойдаланишяпти. Иморатларнинг пойдеворини қўйишда метин-мустаҳкам гранит материалидан фойдаланишаётир. Пойдевор қўйишда гранитдан фойдаланиш усули оддийгина. Аввал ҳар хил рангдаги гранит тошлар майдаланилади. Кейин цемент билан қўшиб қоришти-рилади. Гранит тошлари ва цемент аралашмасидан ҳосил бўлган қоришма ёрдамида бинонинг пойдевори сувалади. Натижада иморат ҳам мустаҳкам бўлади, ҳам чиройли чиқади.

Рига ва Таллиндан юборилаётган ойнаванд айвонлар Болтиқ бўйи маҳалласи чиройини очиб турган янги иморатлар ҳуснига ҳусн қўшмоқда. Бу ерда шу кеча-кундузда янги квартиралар бирин-кетин фойдаланишга топширила бошланди. Яқин кунлар ичида литваликлар яна бир 50 квартирали уйни қуриб тамомлайдилар. Латишлар навбатдаги 50 квартирали бинони биринчи майгача қўлдан чиқарадилар. Май ойи ичида Эстония бинокорлари кўп хонали беш қаватли уйни қуриб тугаллайдилар.

Тошкентда Болтиқ бўйи маҳалласини барпо қилаётганлар даврасида ўз ишини пухта билган, бутун куч ва имкониятларини кўплаб уй-жой бинолари қуришга сафарбар этаётган азаматлар кўп. Литваниинг Шауляй шаҳридан келган Йозас Дунаускас 16 йилдан буён иморат қуради. У Рекивск ГРЭСи қурилишида алоҳида ибрат кўрсатган. Ишлаб чиқаришда илғорлик намуналарини намойиш қилишдан ташқари, бинокорлар ўртасида оммавий-оқартув ишларини ташкил этишда ҳам маҳорат кўрсатган. Тошкент зилзиласи ҳақидаги хабарни эшитгандан сўнг, Литвадан биринчи бўлиб ана шу бинокор Ўзбекистон пойтахтига жўнаш истагини билдирди. Ҳозир у ишлаб чиқариш топшириқларини ҳамиша ортиқ билан адо этиб, коммунистга хос илғорлик намуналарини кўрсатмоқда.

Василий Кулешов — Литва ССРда хизмат кўрсатган бинокор деган қутлуғ ном эгаси. У «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланган. Бўёқчилик ва суворчиликни пухта ўзлаштириб олган ўртоқ Кулешов литваликлар қурган иморатларга чирой бахш этишда ташаббускор бўляпти. Минора кранининг машинисти Ленин орденли Улдис Янович, Таллиндан келган комсомол аъзоси Айрис Хаак, машҳур гишт терувчи, хизмат кўрсатган бинокор Семён Салак ва Леонас Гульбинас ўртоқларнинг номи қурувчилар даврасида ҳурмат билан тилга олинадиган бўлиб қолди.

Янги Тошкентни бунёд этамиз

Болтиқ бўйи маҳалласини айланиб юриб, янги тикланган иморатларга ҳавас билан боқаман. Ахир уларни менинг ҳамюртларим — латвияликлар, литваликлар ва эстонияликлар барпо қилишмоқда. Совет кишиларининг дўстлиги ҳамма нарсадан қудратли эканлигига Тошкент қурилишларида бўлганимда яна бир бор қаноат ҳосил қилдим.

Римвидас СТЕЙКУНАС,
литвалик журналист.

Юқоридаги суратда: Латвия қурилиш поездининг илғор монтажчилари П. Сидоров ва Е. Орре ўртоқлар 210 ўринли болалар боғчаси қурилишини бошлаб юбориш тараддудини кўрмоқдалар. Пастдаги суратда: қурилган иморатларни пардозлашда алоҳида ибрат кўрсатаётган суворчи Сильвия Павловская ва комсомол аъзоси Галина Емельянова ўртоқлар.

С. Чижиков фотолари.

Афғонистондан хат

НАҒЛУ ГЭСИ — ДЎСТЛИГИМИЗ РАМЗИ

Афғонистон подшоси Совет ҳукуматининг ёрдами билан қурилаётган Наглу ГЭСи ҳақида гапириб, бу бизнинг кичик Братск ГЭСимиз, деган эди. Бу ГЭС Кобилдан 60 километр нарида, Кобил Тагау ва Панжшир дарёлари қўшиладиган ерда қурилмоқда.

Қурилиш лойиҳасини «Саогидропроект» институтининг мутахассислари бош инженер Дмитрий Александрович Жигарев раҳбарлигида тузганлар.

Гидростанцияда жами 4 та турбина ўрнатилади. Ҳар бир агрегатнинг қуввати 22,5 минг киловаттдан. Жами 90 минг киловаттга тенг бўлади. Ҳозиргача Наглу ГЭСининг учта агрегати ишга туширилган. Электростанция Кобил ва Гулбаҳор шаҳарларини ва Сароби районини энергия билан таъминлаб турибди.

Наглуда баландлиги 110 метрли темир-бетон тўғон қурилган. Дарё тўсилган ерда 530 миллион кубометр сувга мўлжалланган ҳавза бунёд этилди. Ҳозир Наглудан Кобилгача қариб 55 километр узунликдаги электр линияси тортилди. Қобилда подстанция қурилмоқда. ГЭСни бунёд этаётган меҳнаткашлар 4-агрегатни ҳам август ойигача қуриб битказишга аҳд қилганлар.

С. МУРОДОВ,
Наглу ГЭСи қурилишининг бош таржимони.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ»

Журналнинг 3-сони «Юбилей йили баҳори» сарлавҳали бош мақола билан очилади. А. Акбаров, Н. Уваровларнинг «Бахт қушини қандай қилиб тутса бўлади?» сарлавҳали мақоласи журналист кадрлар тайёрлашнинг баъзи масалаларига бағишланган.

Журналнинг бу сонида Коммунистик партия ва Совет давлатининг кўзга кўринган арбоби большевистик матбуотнинг ташкилотчиларидан бири, жангговар публицист И. И. Скворцов-Степановнинг Москва ишчи ва большевистик матбуотининг дастлабки кунлари тўғрисидаги хотиралари босилган.

«Ҳақиқати Ўзбекистон» газетасининг масъул секретари Р. Норов «Ўчмас кунлар шуҳрати...» сарлавҳали мақоласида редакция коллективининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига тайёргарлик режалари ҳақида ҳикоя қилади.

Булардан ташқари, журналда Сурхондарё область журналистларининг материалларига кенг ўрин берилган. Н. Матвеевнинг «Газета ва партия пропагандаси», Н. Муродовнинг «Хабар билан чекланмаслик керак», О. Пардаевнинг «Шеробод қўли Сурхон чаманзори бўлади» сарлавҳали мақолалари шулар жумласидандир.

«Ўзбекистон социал-таъминоти» журналининг редактори А. Мирбобоев «Активга таяниб» сарлавҳали мақоласи билан қатнашган. Шунингдек, журналнинг «Нашриёт ва полиграфия», «Матбуот обзори», «Ташаббус ва тажриба», «Сатира ва юмор» бўлимларида ҳам кўпгина қизиқарли материаллар бор.

МАТЕРИАЛЛАРИМИЗ ИЗИДАН

«ҚУРТ БОҚИШГА ТАЙЁРМИСИЗ?»

Сурхондарё область партия комитетидан қуйидаги хабар олинди: «Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 15 март сонида босилган «Қурт боқишга тайёрмисиз?» сарлавҳали мақолада область хўжаликларида баҳорги пилла қурти боқишга суст тайёргарлик кўрилаётгани тўғри кўрсатилган. Танқидий мақола область партия комитетида муҳокама қилиниб, унда келтирилган фактлар тўла эътироф этилди. Термиз, Шеробод, Жарқўрғон районларида инкубаторияларни мавсумга тайёрлаш, тут кўчати ўтқазиш, пилла қурти озуқа базасини мустаҳкамлашга етарли эътибор бермаган ташкилот ва хўжалик бошлиқлари тартибга чақирилди, улардан йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш талаб этилди. Мавжуд инкубаториялар ремонт қилиниб ишга туширилди. Тутзорлар кенгайтирилди. Сўнчаклар тайёрлаш қизитиб юборилди.

Ваъдага яраша

Шимолий Сўх нефть кони коллективи Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига оширилган мажбуриятлар олган эди. Ҳар бир кончи ваъдасига вафо қилиш учун қурашиб ишлаб чиқаришда янги зафарларга эришмоқда.

Нефтчилар беш йилликнинг иккинчи йили бошидан буён планга қўшимча 1200 тонна «қора олтин» қазиб чиқаришга муваффақ бўлдилар.

В. ПРИШЧЕПА.

ШАХТЁРЛАР АҲДИ

САРИОСИЁ, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Юбилей йилини меҳнат зафарлари билан нишонлаш учун курашаётган Шаргун шахтёрлари юбилей йили бошиданоқ яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Кўп вақтлардан бери қолоқ бўлиб келган бу корхона коллективи 1967 йилнинг биринчи квартали топширигини ошириб адо этди. Кўмир қазиб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10 процент кўпайди. Шахтёрлар ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш йўли билан маҳсулот таннархини 4,8 процент камайтиришга эришдилар.

Кончилар йил бошидан буён турли корхоналарга 35.000 тонна «қора олтин» жўнатдилар. Бунинг 1600 тоннаси пландан ташқари тайёрланган. Брикет фабрикаси планга қўшимча 2000 тонна кўмир ишлаб чиқарди.

Андрей Автухович бошлиқ проходчилар, Э. Ибодуллин ва А. Тарасенко бошлиқ забойчилар бригадалари социалистик мусобақада байроқдор. Шахтёрлар коллективи юбилей кунигача 11 ойлик планни бажариш мажбуриятини олдилар.

ИЗДОШЛАР

ЧЎПОНЛАР ҲАЕТИ

Биз оддий чўпон Эгамберди ота Мамашев ҳақида гапирмоқчимиз. Чўпон! Кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, қаҳратон қишда ҳам, саратон жазирамасида ҳам сурув орқасидан бетиним юрган, узоқ туларни бедор ўтказган оддий касб эгаси.

Эгамберди Мамашев ана шундай оддий, лекин масъулиятли касбни танлаган кишилардан бири. Шунинг учун ҳам чорвадорлар унинг номини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олишади. Унинг жамоат, халқ олдидаги хизматлари мактовга, эъзозланишга лойиқ. Эгамберди отанинг жамоат чорвасини ардоқлаб келаётганига юбилей йилида роса 50 йил тўлади. У энг қийин шароитларда, бўронли 1917 йилнинг ўрталарида 16 ёшидан бошлаб жамоат чорвасини боқа бошлади. Ана шу вақтларда ёш чўпон эрта саҳарда пиёда оғзидек зоғора кулчани белбоғқа боғлаб, бой-мулкдорларнинг қўй-қўзиларини узоқ-узоқларга ёйилтириб кетганини, ҳар тишлам зоғора нонинг оғизда наввот наби эришши чўпон жонига ҳузур бағишлаганини ҳали-ҳали эслайди.

...Эгамберди ота етмишга одимлаяпти. Лекин у ҳали тетик ва бардам. Чеҳрасидан табассум аримайди.

Сирдарё областидаги «Қизил чорвадор» совхози коллективи Эгамберди отанинг узоқ йиллик самарали меҳнатини қадрлаб, 1960 йилда давлат пенсиясига узатган ва келажак ҳаётининг қувончли ўтишига муваффақиятлар ҳамда узоқ умр тилаган эди.

«Ўғли борнинг ўрни бор», деганларидек Эгамберди ота ўша йили чўпон таёғини 20 баҳорни кўрган тўнғич ўғли Олтмишга тутқазди:

— Бўтам, ота-боболаримизнинг удуми билан айтганда, «Чўпон таёғи — ўғлига»... Умримнинг кўпини сурув орқасида юриб ўтказдим. Шу давр ичида кўп мудҳиш қулоқ эшитмас воқеаларнинг шоҳиди бўлдим. Қийинчиликни кўп қатори бошдан кечирдим. Лекин ожизлик қилмадим, негаки, чўпон бўлганингдан сўнг, ироданг ҳам кучли, ҳам чидамли бўлар экан. Ҳар бош қўй, қўзининг йиртқичларга бекорга ем бўлиб кетмаслиги учун ҳафталаб тунларни бедор ўтказдик.

Қисқаси, оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юришни асло хаёлингга келтирмагин, ўғлим, насиҳатим шу!

Олтмиш отасининг насиҳатига амал қилди. Ота насиҳати — эл насиҳати эканлигини яхши тушунган, эндигина мўйлаби сабза урган Олтмиш ўзини дадил тутди. Ота исмидан бориб, ота касбини эгаллашга ахд паймон қилди.

Совхоз маъмурияти ёш чўпонга қатъий ишонди, унга бир отар қўйни топширди. Унинг келажакда илғор, тажрибали, омилкор чорвадор бўлишига, совхоз экономикасини кўтаришга ўз ҳиссасини қўшишига ишонч билдирди. Коллектив билдирилган ишонч билан ҳато қилмади. Қисқа вақт ичида ота ўғли Олтмиш атрофидаги чўпон-чўлиқлардан қолишмади. Ўзи бошлиқ отар чўпонлари билан бирга чорва туёғини кўпайтира борди. Ҳар қандай об-ҳаво шароитида асосан кўпроқ нималарга эътибор бериш лозимлиги, қўйларни семиз ва соғлом асраш йўллари ҳақида кун сайин, соат сайин ўртоқлашиб борди. Отасининг панд-насиҳатларига амал қилди.

Олтмиш Эгамберди отанинг якка ўғли эмас, Нуроний чўпоннинг иккинчи ўғли туғилганида акасига Йўлдош бўлиб юрсин, деб унга Йўлдош исмини қўйишганди. Йўлдош ҳам акаси ёнига ўтиб, чўпон таёғини ушлади. Ота удумига амал қилди.

Совхоз дирекцияси ака-ука Эгамбердиевларга шонли беш йиллиннинг биринчи йилида 750 бош совлиқни топширди. Ака-уналар бўш келишмади. Ҳар 100 бош қўй ҳисобига 124 тадан соғлом қўзи ва ҳар бир қўйдан 4 килограмм 300 граммдан майин жун қирқиб олишди.

Ота исмидан бориб, ота касбини эгаллаган Олтмиш ва Йўлдош Эгамбердиевлар юбилей йилида ҳар 100 совлиқдан 150 тадан қўзи ва қўй бошига 4,5 килограммдан жун қирқиб олишга аҳд қилганлар. Бундан ташқари 60 центнер сут етиштириш юзасидан ҳам мажбурият олишган.

— Қўйлар канчалик семиз бўлса, берадиган насли ҳам шунчалик соғлом бўлади, — дейди бош чўпон Олтмиш Эгамбердиев,— айниқса қишдан уларни яхши асраб чиққанлигимиз натижасида олаётган қўзиларимизнинг кўпи эгиз. Отаримизда касалманд, ориқ қўйлар йўқ.

Издошларга Эгамберди ота бошқош бўлиб турибди.

Йилдан қайтар экамиз, ота изидан бориб ҳормай-толмай меҳнат қилаётган ака-укалар юбилей йилида ҳам зиммаларига олган мажбуриятларини бажаришларига ишонч ҳосил қилдик.

Н. ВОҲИДОВ,
Зомин райони.

ЧОРВАЧИЛИК ФЕРМАЛАРИДА

Қорақалпоғистон АССР Тўрткўл район чорвадорлари меҳнатда яхши натижаларга эришмоқдалар. Улар яқинда давлатга 3.581 центнер гўшт етказиб бериб, биринчи квартал планини 122 процент бажардилар. Районда давлатга гўшт етказиб бериш қизғин давом эттирилмоқда.

Э. ҚУТЛИМУРОДОВ.

Шукур ака Шомуродов «Олтинсой» совхозининг ишбилармон чўпонидир. Унинг иши йилдан-йилга ўнгидан келяпти. Ўтган йили ўз отаридаги ҳар юз бош совлиқдан 147 тадан қўзи ва ҳар бир қўйдан 3 килограммдан жун қирқиб олган эди. Унинг бу йилги аҳди бундан ҳам катта. Ҳар юз бош совлиқдан 150 тадан қўзи ва ҳар бир қўйдан 4 килограммдан жун қирқиб олишни ўз олдига қатъий мақсад қилиб қўйди. Ҳозир Шукур аканинг отаридаги қўйлар қўзилаяпти.

Н. ЧУТБОЕВ,
Хатирчи райони.

Суратда: Сурхондарё область, Шўрчи районидаги Гагарин номли давлат қоракўл наслчилик заводининг донгдор чўпонларидан бири, Ленин орденли Йўлдош ота Жўраев.

Ф. Лутфуллаев фотоси.

САНЪАТКОР ҲАҚИДА

СОЗАНДА

Навоий номидаги катта санъат кошонасининг нақшин зали томошабин билан тўла. Ҳамманинг эҳтиёт-эътибори дилларни қитиқлаётган афғон рубобининг мунгли садосида. Зал сув сепгандек жим. Куйнинг оромбахш сеҳри бино бўйлаб оқмоқда. Бирдан гулдурос қарсаклар чалинди: олдинги қаторда ўтирган Эрон шоҳи Муҳаммад Ризо ўрнидан туриб, моҳир санъатқорнинг рубоб чалиш маҳоратига қойил қолганини ифода этиб, қарсак чалди.

Ижро этилган куй талабларга биноан яна бир бор қайта ижро этилди.

Бу моҳир санъаткор Ўзбекистон филармониясининг созандаси Ўмар Ҳамидов эди. Бошлангич мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ соз сеҳрига маҳлиё бўлган Ўмаржон бухоролик машҳур санъаткор Наҳриддин Насриддинова шогирд бўлади. Устоз қўлида тўрт йил таҳсил олгач, у Бухородаги ёш томошабинлар театрига созанда бўлиб ишга киради.

Вақт бошланган ўруш ёш созанданинг ҳам тинчини бузади. Беш йил фронтда мардона жанг қилади. Орден ва медаллар олади. Урушдан ярадор бўлиб қайтган Ҳамидов Ўзбекистон Давлат филармониясига созанда бўлиб ишга киради. Ўшандан буён филармониянинг серзавқ ансамбларида афғон рубоби ва тор чалиб келмоқда. Ўмаржоннинг сеҳргар созидан қаралган куйлар шинавандалар қалбига алоҳида ором бахш этади.

Ўзбекистон радиоси эфирларини чулғаётган дилрабо куй, қўшиқ, ялла ва лапарларда ҳам Ўмаржон рубобининг жаранги алоҳида янграйди, севимли ҳонандаларимиз забонидан таралаётган ашулаларга ўзининг дилижон рубоби билан сайқал беради.

Ўттиз йилдан буён рубоб чалиб, сон-саноқсиз соз, қўшиқ шинавандаларининг кўнглини хушнуд этиб келмоқда. Ўмаржоннинг қадами етмаган шаҳар ва қишлоқ кам топилади республикамизда. У вилоятларда ва филармониянинг концерт бригадалари сафларида жуда кўп колхоз ва совхозларда ўз санъатини намойиш қилган.

Ўзбекистон филармониясининг талантли созандаси Ўмаржон Ҳамидовнинг рубоби шу кунларда яна ҳам серзавқ сайрамоқда.

Д. ҲАСАНОВ.

ЖИЗЗАХ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЮБИЛЕЙ ТУҲФАСИ

Алишер Навоий номли колхоз чорвадорлари пландаги 21 тонна ўрнига 43 тонна бўрдоқи ва сўким гўшти тайёрлаб, ярим йиллик планни муддатидан олдин бажардилар. Давлатга 51 тонна сут сотилди. Бу кўзда тутилгандан 32 тонна кўпдир. Белгиланган топшириқ бўйича 30 минг дона тухум сотилиши керак эди. Амалда эса 33 минг дона тухум сотилди. Чорва маҳсулотлари миқдорини кўпайтириш, сортини яхшилаш қизғин давом эттириляпти. Бу чорвадорларнинг 50 йиллик юбилейига илк туҳфасидир.

ЯНГИ БОҒЛАР

— Биз, — дейди «Коммунизм» колхози боғдорчилик-сабзавотчилик бригадасининг бошлиғи Ҳайитбой Раҳимов, — Ризамат ота Мусамуҳамедовнинг чақириғига амалий иш билан жавоб берямиз. Янгидан 10 гектар ерда мевали боғ, 8 гектар майдонда токзор ташкил қилдик. Эски 100 гектарли боғдаги қариб қолган дарахтлар кўчириб олиниб, ўрнига 8 минг туп кўчат ўтказилди. Шунингдек, 100 гектар ерга турли хил сабзавот экилади. Дастлабки 20 гектар майдонга помидор, карам нўчатлари ўтказилди. Бу йил шаҳар меҳнаткашларига ўтган йилгидан уч баравар кўп мевачева ва сабзавот маҳсулотлари етказиб берамиз.

ФАРЗАНДЛАРГА ГАМХЎРЛИК

Қурган қураверади, турган тураверади деганларидек, «Москва» колхози меҳнат аҳли янги жамоат бинолари қуришга ишқибоз бўлиб қолди. Бу ерда минг ўқувчига мўлжалланган тўрт қаватли мактаб биноси қуриб битказилди. Ҳозир бинони пардозлаш ва жиҳозлаш ишлари олиб бориляпти. Қўшни Алишер Навоий номли колхозда ҳам шу формада мактаб биноси қурилди. Ҳар икки мактаб биноси яқин фурсатда колхозчиларнинг ўғил-қизлари ҳурматли муаллимлар ихтиёрига топширилади.

ГВАРДИЯЧИЛАР ОТРЯДИ

Ҳамид Олимжон номли колхозни гвардиячи механизаторлар макони деб аташади. Бу гапда жон бор. Ўтган йили 12 қиз трактор машинасини бошқарган эди. Бу йил уларнинг сафи яна 8 кишига кенгайди. Колхозчи-деҳқонларнинг терим машинасига бўлган ихлоси тобора ортиб бораётгани туфайли правление яна 6 «зангори нема»ни сотиб олишга қарор қилди. Бу машиналарни механизация курсини битирган қизлар бошқаради. Колхоз бу йил 50 процент майдондаги ҳосилни «зангори нема»ларда саранжом-сарришталаб олади.

М. НАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЧЎЛДА ЯНГИ СОВХОЗ

БУХОРО. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Навоий районидаги Малик чўлидан ўзлаштирилган қўриқ ерларда «Октябрь 50 йиллиги» номли янги совхоз ташкил қилинди.

Янги давлат хўжалиги асосан Навоий шаҳри меҳнаткашларини картошка, сабзавот, мева ва узум билан таъминлайди. Совхоз коллективи юбилей йилида дастлабки 500 гектар ерга сабзавот ва полиз экинлари экишга киришди. 70 гектар майдонга мева, 30 гектарга яқин жойга ток қаламчалари экилди.

Т. НАЗИРОВ.

Қонунимиз посбонлари

МЕҲРИБОН

Маҳмуд ака Умаров номини Москва районидагина эмас, бутун Андижон областида ҳурмат билан тилга оладилар. Бу бежиз эмас, албатта. Бунга у ўзининг камтарлиги, меҳнатсеварлиги, инсонпарварлиги ва жиноятчиларга нисбатан шафқатсизлиги билан эришди.

Маҳмуд ака ўз ҳаётини социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашга бағишлаган. У меҳнат фаолиятини оддий милиционерликдан бошлади. Кейинчалик республикамизнинг қатор районларида прокурор бўлиб ишлади. Ҳозир эса Москва район прокуратурасига раҳбарлик қилмоқда.

Маҳмуд ака меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларига ҳамиша эътибор билан қарайди. Жиноятлар ҳақида тушган маълумотлар бўйича дарҳол текширишлар олиб бориб, зарур чораларни кўради.

Яқинда район прокуратурасига «Партия XXII съезди» колхозидаги айрим эгри кўл кишилар артель мулкига хиёнат қилаётганликлари ҳақида маълумот тушди. Прокурор томонидан ўтказилган текшириш маълумотдаги фактларнинг тўғрилигини тасдиқлади. Олиб борилган терговдан колхознинг бош бухгалтери Қорабоев, кассир Солиев ва экспедитор Расулев ўзаро тил бириктириб, қалбаки ҳужжатлар тузиш йўли билан қисқа вақт ичида колхознинг 6 минг сўм пулини ўзлаштириб юборганликлари аниқланди. Ҳар учала жиноятчи қилмишларига яраша жазо олдилар.

Шу районда истиқомат қилувчи Ш. исмли аёл кечаси қизи билан ухлаб ётганда уйига номаълум шахс ёмон ниятда бостириб киради. Она-бола уйғониб қоладилар. Ўз ниятини амалга оширолмаган жиноятчи аёлга пичоқ уриб, қочиб кетади. Бу хавфли жиноятнинг изи эртасигаёқ очилди. Жиноятчи Абдусатторов халқ судининг ҳукми билан беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Маҳмуд ака тергов ишига жуда жиддий эътибор беради. «Бирор киши ҳам ўринсиз жазоланмаслиги лозим, — дейди у. — Шу йўл билан совет қонунларининг обрўсини янада оширган бўламиз». У ёш терговчиларни меҳр билан тарбиялайди, уларга ўзининг фойдали маслаҳатлари билан ёрдамлашади. Прокурорнинг жонкуярлиги туфайли Москва районида жиноят ишлари бўйича терговларнинг қонунда кўрсатилган муддатда тамомланмоқда. Ўтган йили район прокуратураси кўриб чиққан бирорта ҳам жиноят иши қўшимча терговга қайтарилмади.

Тажрибали прокурор жиноятнинг содир бўлишида айбдор бўлган шахснинг жавобгарликка тортилиши билангина чегараланиб қолмай, жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини ҳам аниқлашга ва шу хилдаги жиноятларнинг келгусида такрорланмаслиги учун курашади. Энг муҳими прокурор нима иш қилмасин, даставвал, одамлар тақдири ҳақида, уларни тарбиялаш тўғрисида қайгуради.

Район прокуратураси ходимлари судни бевосита жиноят содир бўлган жойларда олиб боришга катта эътибор бермоқдалар. Шунингдек, улар жиноятларнинг олдини олиш учун район аҳолиси ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар. Бу айниқса, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг «Безорилик учун жавобгарликни кучайтириш ҳақида»ги Фармонидан сўнг кенг авж олдирилди.

Жамоат тартибини сақлаш, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш ҳамда жиноятларнинг олдини олиш соҳасида олиб борилаётган ишлар яхши самара бераётир. Район территориясида жиноятчилик тобора камайиб бормоқда. «Коммунизм», «Ленинизм», «Қизил юлдуз», «Октябрь», Свердлов номли ва Фрунзе номли колхозларда, пахта тозалаш заводида, йўл-эксплуатация участкасида ҳамда бошқа корхоналарда ўтган йил мобайнида бирорта ҳам жиноят содир бўлмади.

Маҳмуд ака Умаровни меҳрибон устоз деб аташади. Бу бежиз эмас, албатта. Ажойиб ташкилотчилик ҳислатига эга бўлган ташаббускор прокурор кўплаб малакали шогирдлар тайёрлаб етиштирган меҳрибон ва ғамхўр устоз ҳамдир. Унинг шогирдлари республикамизнинг суд ва прокуратура органларида муваффақиятли иш олиб бормоқдалар.

Социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун ўртоқ Умаров партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Шавкатли меҳнати учун» медали ва икки марта Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. Социалистик қонунчилигимизни мустаҳкамлаш, жамоат мулкини, кишиларимиз ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза этиш борасида Маҳмуд ака сидқидилдан меҳнат қиляпти. Бу камтарин, софдил коммунистга ҳаваснг келади.

Н. ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон ССР прокурорининг ўринбосари, адлия бош маслаҳатчиси.

Янги шеърлар

УЧИ ТУГУК ДАСТРЎМОЛ

Қўшним ишга нетаётир саҳарлаб,
Бир қўлида учи тугук дастрўмол.
Е ректорга айтмоқчидир муҳим гап,
Кечқурунга гўшт керакдир эҳтимол.
Ким билади, балки зарур иқтиқоқ
Илмий кенгаш қарорига янги банд.
Е дўстига қилмоқчидир қўнғироқ, —
Олмоқчидир болаларга хўрозқанд.
Балки... яна бошқа минг бир хил сабаб...
Унутмасин деб паришон бу хаёл —
Қўшним ишга нетаётир саҳарлаб
Бир қўлида учи тугук дастрўмол.
Шошма дўстим, барча ишинг битади,
Битмас иш йўқ, ошиқмасин юрагинг,
Инсон умри ахир елдек ўтади,
Бош кўтариб атрофингга қарагин.
Яна баҳор сеп ёйибди оламга,
Яна гунча гул шоҳини эгибди.
Ясанишни унутмай деб байрамга
Балки у ҳам рўмолчасин тугибди.
Бу дунёда ким беташвиш, ким бегам?
Ҳар инсоннинг бир бошида минг хаёл.
Ўйлаб кўрсам миямизнинг ўзи ҳам
Икки миллиард учи тугук дастрўмол.
Одам яшар замон юкин орқалаб,
Сергалвароқ кечасидан бугуни.
Ором бермас кўнрагида бетинч қалб
Бамисоли дастрўмолнинг тугуни...
Шошма дўстим, барча ишинг битади,
Табриклаш ҳам, қўнғироқ ҳам,
хўрозқанд...
Аммо сени эртанги кун кутади,
Эрта яна рўмолчангнинг учи банд.
Букчиндеи яна саҳар турасан,
Ажратасан керакларнинг керагин...
Сочларингда бир тола оқ кўрасан
Биринчи бор санчганида юрагинг.
Тақдир дейлар, билмам надир тақдиринг,
Балки олтмиш, балки юзга кирган чол.
Бошинг узра унсиз йиглар кампиринг,
Қўлларида... учи тугук дастрўмол.
Ҳаёт аста сўнар экан кўзингда,
Юрак сендан ҳисоб сўрар ўша кун:
Бўлганми ҳеч иқтиёринг ўзингда,
Бирор соат яшадингми бетугун?
Ўйла дўстим, келмай туриб ўша дам,
Исроф қилма ёш юракнинг нучини.
Мана бу гап ҳеч чиқмасин ёдингдан,
Тугиб қўйгин дастрўмолнинг учини.

Эрнин ВОҲИДОВ.

<> <>

Б А Ҳ О Р

Яна баҳор келди, яна оламда
Ажиб бир гўзаллик, ажиб бир баёт,
Мен сени кутлайман шу улуг дамда
Улуг елпадошим, музаффар Ҳаёт.
Ташбих ахтармангиз ушбу ғазалдан,
Нақд жойда насия не керак асли.
Аён бир хислатинг бордир азалдан,—
Сени атамишлар уйғониш фасли.
Еллар ҳам уйғонди ишқалаб нафтин,
Оftоб ҳам юксалди—тик келар қуёш.
Тоғлар ҳам юк ташлаб кўтарди инфтин,
Безавол майса ҳам силкинтади бош.
Тарновлар бўзида лола ҳам кўркам,
Терак учларида изгир мавжудот.
Ҳаттони, туйғусиз, чирик хазон ҳам
Яшил пўпанакдан боғлабди қанот.
Ҳовлиқма жилгалар чопар беға,
Қушлар қий-чувига тўлмиш дала-боғ.
Сенинг висолингдан қувонмай нега,
Баҳор, соғинтирдинг ахир кўп узоқ.
Ялдо кечасидай рутубатли қиш
Солди рухимизга оғир бир сурур.
Сен келдинг, уйғонди яна шўх олқиш,
Йиглаган кўзларга тушган каби нур.
Ҳа, мангу заволлик бўлмас оламда
То суйин сочаркан эбри найсонлар,
Мен сизни эслайман аммо шу дамда
Мангуга кўз юмган азиз инсонлар.
Азалий ҳукмини ўқиди ҳаёт,
Неча бор само ҳам кўмди қуёшин.
Иқболи саждагоҳ бўлганлар, ҳайҳот,
Узлари тупроққа нўйдилар бошин.
Ун ой ким сўнмишдир у таниш наъра,
Ҳамон фироқида фиғон чекар Шош.
Баҳор келаётир бош кўтар, қара,
О, сурур куйчиси, донгдор замондош.
Ҳамсухбат бўлмадим, (ким эдим зотан!)
Тавоб ҳам қилмадим гулшан маконинг.
Лекин шеър баҳоси мухлисгадир тан,
Қандай ченсиз эди руҳий поёнинг!
Бугун-чи, не незар ўтли қонингда?
Эвоҳ, унда на шеър, на май, на сафо.
Бу қандай мулоқот? Не ҳол?! Енингда
Жой олмиш ўзга бир суюкли даҳо.
Беқиёс эди у шеър лочини,
Хаёли бамисли Курагочийдек.
Гар тарих эврилса шуҳрат тожини
Унга кийгизарди султон Улуғбек.
Балхдан қориб қайтган Алишер мисол
Энди тўлгизганди чўккан довотин.
Кетди пок бир сиймо, теран бир хаёл
Қолдириб дунёда ҳеч ўчмас отин.
Баҳою бебаҳо аён буюклик
Утди сўнгги дамда бош эгиб қуйи.
Фақат билганидан қолмас тирнлик,
Мана, гулга чўмиш Чиғатой бўйи.
Бу сонин элда ҳам ивирсир баҳор
Сўнган хотиралар чироғин ёқиб.
Қарайман, қабрлар ястанмиш қатор,
Маъсум бинафшадан сиргалар тақиб.
Кимнингдир кўнсига энгашганча гул
Мармар саганадан ўқиб турар байт.
Баҳор, қатра ёшим айлагил қабул,
Онам бошига ҳам бордингмикан, айт?!
Унинг оромгоҳи бундан олис жой,
Олисда ётибди меҳинг паноҳим.
Бугун кетганига тўлибди беш ой.
Беш ойким, кўксимда ёнади оҳим.
Фарёд чекканим йўқ эл ичра тақир,
Уч ҳам олганим йўқ на қаламимдан.
Онажон, онажон, кечиргил ахир,
Шодланмасин девим биров ғамимдан.
Дунёдан кетмасин ҳеч ким бемаҳал,
Ҳеч кимни босмасин ногоҳон ўкинч.
Лекин ўз бошига келмагунча гал
Онажон, тош қалблар турармиди тинч.
Йиглаб ҳам бўлмайди булар дастидан,
Уларга тегмамиш заррача туйғу.
Кулсанг — худбин дея тушар қастингдан,
Бадбинсан, дейдилар гар чексанг қайғу.
Қўлларман хотиранг балки вақт етиб,
Бир умр ўртанур лекин танда жон.
Суронлар йўлимда турибди нутиб,
Узинг қўлла энди мени, онажон.
Бугун атрофингда баҳордир балки,
Балки шабнам ичра ғарқдир ҳазин тош.
Майсалар тегрангда қатордир балки,
Лекин сен ётасан кўтаролмай бош.
Бунчалар қаттолсан о, сиоли олам,
Бунчалар бедилсан, бепоён қилқат.
Сенинг ҳикматингнинг сўнгги-ну одам,
Нахотки шунга ҳам қилмайсан шафқат.
Майса ҳам уйғонар кайта қиш ўтиб,
Заррача бўлса ҳам бир ҳиммат унга.
Нахотки энг улуг фарзандинг кетиб,
Бошин кўтаролмай ётса мангуга.
Онамни сўрайман сендан эрта-кеч.
Қайтар деб сўрайман чоп этиб яно.
Лекин менинг дардли саволимга ҳеч
Жавоб беролмассан, о, соҳов даҳо.
Жавоб ололмади ҳеч ким ҳам зотан,
На султон, на гадо, на шоҳ, на фақир.
Ким қанча қувмасин сенинг ортингдан,
Бир уюм тупроқни кўрсатдинг ахир.
Ҳаёт талвасаси тинмагай аммо,
Мангу боқий қолур Инсон ва Хаёл.
Мерос аталмагай барчага фано,
Қисмат аталмагай ҳар кимга завол.
Фақат ўтмиш билан яшамас инсон,
Гарчанд бўлолмайди ундан ҳеч озод.
Кечаги ғамини ўйласа обдон,
Бунчайиб қоларди бугун одамзод.
Кетган азизларни хотирлаб гоҳо
Майлига ченайлик бир зумгина оҳ.
Ҳаёт тантанаси бошланмиш аммо,
Дўстлар, нур васлига ташлайлик нигоҳ.
Шу буюк офтобнинг мунофотини
Эъзозлаб қўяйлик айтиб шукрона.
Дилдан ўчирайлик ғамнинг отини,
Баҳор ҳам бахт каби ахир ягона.
Букун шеъри чиқиб шоирдай дунё
Жилмайиб кўйди барчага масрур.
Темурланг гумбазин нўйнини гўё
Еритгани каби бир лаҳзалик нур.
Дилбар нелинчаннинг кўксида гулу,
Зардолу шохига ташлар кўз қирин.
Барг аро шуъллалар кафтларникан у,
Баҳор — тетапоя гўдандай ширин.
Юксак арғувоннинг учида ҳилол
Пахмок булутларни этади нимта.
Қайдадир шоира куйлайди беҳол:
— Кўнглим ҳам бу кеча ойдай яримта.
Увада камзулда биллур тугмадай
Булутлар ортидан боқади юлдуз.
Қайдадир юртини эслаб инграг най,
Қайдадир кўзигул ёради илдиз.
Қайдадир гўлшандан ахтариб висол
Ел кезар-тоғларнинг гўзал арвоҳи.
Шоирнинг дилрабо байтлари мисол
Оҳ тортиб тизилар турналар гоҳи.
Қизғалдоқ баргиден учар дилдан ғам,
Тошқинлар киради қалбимга маним.
Баҳорнинг муборак бўлсин ушбу дам,
Менинг Ўзбекистон — дилбар Ватаним.
Фақат сен қалбимга чўктирмай малол
Чарчаган руҳимга илҳом солурсан.
Баҳор ҳам, умр ҳам ўтар эҳтимол,
Фақат сен дунёда мангу қолурсан!

Абдулла ОРИПОВ.

ФАНИМИЗ НАМОЯНДАЛАРИ

ЖИЛОВКОР

... Шлюз очилди. Сув шарқираб махсус ҳавзаларга туша бошлади. Бир неча минут ўтгандан кейин «Амударё» бир маромда оқа бошлади. Лекин сал ўтмай «дарё» қирғоқларининг бир қисми аста-секин ювилиб, бир қисми эса ўпирилиб кетди. Сув тўхтатилди. Қирғоқнинг зарар кўрган жойлари аввалги ҳолатига келтирилгандан сўнг яна сув қўйилди. Лекин бу гал қирғоқлар шикастланмади. Чунки қирғоқ олдига сув оқими йўналиши бўйича махсус тўсиқлар ўрнатилган эди...

Биз истеъдодли олим Амин Муҳамедович Муҳамедов билан Ўрта Осиё ирригация илмий тадқиқот институтининг дарё ўзанини тартибга солиш лабораториясида учрашдик ва юқорида баён қилинган тажрибанинг устидан чиқдик. Амин ака шу лабораторияга бошчилик қилади. Олим кейинги йилларда Ўрта Осиё дарёларининг оқиш характери, сув ҳавзалари, сув омборлари, гидроузелларнинг ишлаш қобилиятини аниқлаш, сув айиргич иншоотларининг дарёга нисбатан жойланиши ва бу иншоотларга тоғ жинслари оқиб келиб, тўпланиб қолишига қарши мураккаб, ҳаёт учун жуда зарур масалалар устида катта, сермаҳсул илмий ишлар қилди.

Тажрибалар олдин лабораторияда моделларда ўтказилади. Гарчи бу моделлар дарёда бўладиган ҳамма ҳодисаларни акс эттиролмаса ҳам, баъзи муҳим масалаларни ўрганиш имконини беради. Бундан ташқари моделларда ҳар хил нозик ўлчов асбобларини ҳам қўллаш мумкин. Узунлиги 60 метр, эни эса 20 метр бўлган бу лабораторияда Амударёнинг бир қисми, сув ҳавзалари, сув омборларининг, каналларнинг макети ўрнатилган. Айниқса Амударёнинг макети лабораториядаги кирган кишининг диққатини ўзига жалб қилади. Макетга сув сатҳини ўлчайдиган асбоблар, ҳар хил катталикдаги шпорлар, иншоотлар ўрнатилган.

Бир замонлар Амударё «Жайхун» деб аталар эди. Бунинг маъноси «телба дарё» демакдир. Ҳақиқатан ҳам Амударё ўзани тез-тез ўзгаради, чуқурлиги ёки оқиш жойи доимий эмас. Дарё телбаларча ўзини тоғ ўнг, тоғ чап қирғоққа уриб кетади. Натижада унинг ўрталарида оролларг пайдо бўлади. Бу ҳолни дарёнинг бошланишидан то охиригача кўриш мумкин.

Дарёнинг яна энг ёмон «қилиқларидан» бири — қирғоқ ювишидир. Бу ҳодиса халқимизда «дегиш» ёки «йиқиш» деб аталади. Маълумки дегиш натижасида бир вақтлар районлар, ҳатто шаҳарлар ювилиб кетган. Дегиш хавфи ҳали ҳам бор ва республикамизнинг баъзи ерларида учраб туради. Бундан ташқари, дарё қоҳоҳда «хасислик» ҳам қилади. Тоғ жинсларини сув айиргич иншоотлари олдига оқизиб келиб тўплайди, ўзи эса бошқа жойдан оқа бошлайди. Натижада дарёдан далаларга сув олиш машаққатли иш бўлиб қолади. Амин Муҳамедович дарёнинг мана шу қилиқларини «тийдириш» учун жуда кўп ишлади.

Маълумки Амударёда шу вақтгача бирорта ҳам иншоот йўқки, у сув оқимини тартибга солса. Тўғри, Туямўйин ва Тахиатош гидроузеллари қуриб битказилгандан кейин сувнинг оқими бир оз тартибга солинади. Лекин ҳар жойда гидроузеллар қуриш мақсадга мувофиқ эмас ва бу катта маблағ талаб қилади.

Олим кўп тажрибалардан кейин тўғон қурмай туриб дарёдан сув олиш, сув оқимини тартибга солиш, ғирқоқ олдига сув йўналиши бўйича махсус тўсиқлар ўрнатиш керак, деган хулосага келди. Бу тадбирни тўғон қуриб бўлмайдиган жойларда ҳам қўллаш мумкин. Шпорлар темир-бетондан ясалади. Уларни ўрнатиш ҳам унча қийин эмас. Натижада икки масала ҳал бўлади: биринчидан сув оқимининг йўналиши тартибга солинади, иккинчидан сув айиргич иншоотларга тоғ жинслари тўпланмайди. Энг муҳими бу ишларга катта маблағ сарфланмайди. Амин Муҳамедович Муҳамедов бизга яна бир моделни кўрсатди. Бу Вахш дарёси ва ундаги ўблажак улкан Нурек сув омбори. Бу модел лаборатория ҳовлисига жойлашган. Маълумки, сув омборлари халқ хўжалигига катта фойда келтирмоқда, шу сабабли улар ҳозир кўп қурилмоқда. Сув омборларининг асосий вазифаси дарёларда сув кўп бўлган вақтда ортиқча сувни йиғиб олиб, керакли вақтгача сақлаб туриш, сув кам бўлганда эса уни дарёга қайта чиқариб юборишдан иборатдир. Яқин келажакда Ўрта Осиё сув омборларининг умумий ҳажми 50 миллиард кубометрдан ошади. Бу эса бир неча миллион гектар янги ерларни ўзлаштириш учун имкон беради.

Олимнинг йирик ишлари орасида Чирчиқ ГЭСи бош узелига оқиб келувчи дарё оқимини тартибга солиш алоҳида ўрин тутади. 1952 — 1953 йилларда олим Амударёдаги Тахиатош гидроузелининг ишлаш қобилиятини аниқлаш, у ерда сув оқимини қават-қаватга бўлиб, икки томондан сув олишни тавсия қилди. Зарафшон дарёсидаги «1 Май» тўғонини реконструкция қилишда олимнинг лаборатория ходимлари билан ишлаб чиққан схемаси амалиёт ва ким учун катта аҳамиятга эга бўлди.

Булардан ташқари, олимнинг илмий тадқиқот ишлари орасида Кундуз дарёсидаги (Афғонистон) 2 Пули-Хумрон гидроузелининг ишлаш режимини текшириш, қўриқ ерлари ГЭСни гидравлика жиҳатдан текшириш, Чирчиқ дарёсидаги Ғазалкент тўғони, Қорадарёдаги Кампирравот, Куйганёр тўғонларининг ишлаш қобилиятини аниқлаш сингари темаларни кўриш мумкин.

Талантли олим Ленинградда докторлик диссертациясини муваффақият билан ёклади. Иттифоқимизнинг йирик олимлари бу диссертацияга юқори баҳо бердилар. Амин ака гидротехника соҳасида ўзбекларнинг биринчи фан докторидир.

Ш. МАҲМУДОВ,
Ўрта Осиё ирригация илмий тадқиқот институтининг аспиранти.

Тўрт қисм мамлакатларда

ҚОТИЛЛАР ФОШ БЎЛМОҚДА

НГУЕН ВАН ДОНГНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронтининг СССРдаги доимий ваколатхонасида матбуот конференцияси ўтказилди.

Ваколатхона бошлиғи вазифасини бажарувчи Нгуен Ван Донг америкалик қотилларнинг Жанубий Вьетнамда мисли бўлмаган йиртқичликлар қилаётганлигини кўрсатувчи янги фактлар билан матбуот конференциясида тўпланганларни таништирди. Жанубий Вьетнамнинг озод килинган районларидан бирида, деди у, Америка агрессорларининг жиноятларини текширувчи комитет Америка империализми оккупация қилинган районларда ўтказаётган сиёсат тўғрисидаги китобни эълон қилди.

«Ҳамма нарса ёндирилсин, йўқ қилинсин ва ҳамма ўлдирилаверсин» сарлавҳали бу китоб америкаликларнинг Жанубий Вьетнамдаги йиртқичликлари тўғрисида комитет эълон килган китобларнинг учинчисидир.

Нгуен Ван Донг айтдики, уруш йиллари мобайнида Америка солдатлари ва уларнинг малайлари Жанубий Вьетнамда бир миллиондан кўпроқ кишини ўлдиришди ва жарохатлантиришди. Мана шу рақамнинг ўзи Америка агрессорларининг Вьетнам халқига қарши шафқатсиз ва агреосив уруш олиб бораётганлигини, бу урушда ҳаммани кириштга ҳаракат қилаётганликларини яққол кўрсатиб турибди. Вьетнамнинг ҳақиқий ватанпарварлари, ўз ватанини беиҳоя зўр муҳаббат билан севган, Вьетнамга доир Женева битимларини бажаришни истаётган ва шу битимлар асосида Шимолий Вьетнам билан Жанубий Вьетнамни тинч йўл билан бирлаштиришни истаётган кишилар мана шундай агрессиянинг қурбони бўлмоқдалар.

Америка империалистларининг «ҳамма нарса ёндирилсин, йўқ қилинсин, ҳамма ўлдирилаверсин» деган сиёсатни ўтказаётган лиги, деди Нгуен Ван Донг, Вьетнам халқига қарши АҚШ олиб бораётган агрессив уруш нақадар вақшиёна эканлигини исботловчи яққол далилдир. Ҳозирги вақтда Америка империалистлари Вьетнам миллатининг минг йиллик тарихи давомида унинг ерига бостириб кирган энг ёвуз агрессорларнинг ҳам энг ёвузи бўлиб қолдилар Улар ҳарбий жиноятлар қилмоқдалар, ахлоқни, одамгарчиликни ва адолатни поймол этмоқдалар.

Лекин агрессорлар нақадар шафқатсиз бўлаверсалар, нақадар оғир жиноятлар қилаверсалар, деди Нгуен Ван Донг Вьетнам халқининг Америка тажовузкорларига қарши нафрат ўти шу қадар зўр аланга олаверади. Вьетнам халки курашни давом эттиришга маҳкам бел боғлаган. Агрессорлар уруш олиб боришда ҳар қанча шафқатсиз методларни қўлланса лар ҳам, лекин Вьетнам халқи тиз чўкмайди. У, Америка империалистларига қарши курашнинг ҳаққонийишини давом эттираверади ва шак-шубҳасиз ғалаба қозонади.

Матбуот конференцияси қатнашчиларига америкалик қотилларни фош қилувчи ҳужжатлар топширилди.

(ТАСС).



Бу йил ўзининг 70 йиллигини нишонлайдиган ва бир неча заводларни бирлаштирган «ЧКД-Прага» тармоқли корхонаси Чехословакия саноатининг гигантларидан биридир. Бу ерда электр локомотивлар, кўтариш кранлари, трансформаторлар ва социалистик мамлакатларда ҳамда 80 та капиталистик ва эндигина тараққий этаётган давлатларда зўр талаб билан олинаётган бошқа машиналар ишлаб чиқарилади. Ҳозир компрессор заводининг янги цехида Коломенси шаҳрида тайёрланган қудратли совет уснуналари ўрнатилмоқда. Улар оғирлиги 125 тонна ва диаметри 6300 миллиметргача бўлган компрессорларнинг айрим қисмларини ишлашга мўлжалланган. Суратда: завод цехида совет уснуналарини ишлатиш пайти.

ЧТК—ТАСС фотоси.

Форслар, турклар ва европалик мустамлакачилар турли даврларда Бахрайнни босиб олдилар, унинг халқини талаб, бойликларини ўзлаштириб олдилар. Суратда: 1521 йилда қурилган португаллар қалъаси Бахрайнга Португалия мустамлакачилари ҳам бостириб кирганлигидан далолат беради.

Р. Мосеев фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

Монголия Халқ Республикасининг саноати жуда тез суръатлар билан ривожланмоқда. Мамлакат қисқа муддат ичида қолоқ чорвачилик республикасидан индустриашган аграр республикага айланди. Саноатни ривожлантириш соҳасида Монголияга социалистик лагерь мамлакатлари катта ёрдам бермоқдалар. Суратда: Совет Иттифоқи ёрдами билан Дзабхан аймоғида қурилган Тосонцэнгэль ёғочни қайта ишлаш комбинати. А. Спиркин фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ПАРТИЗАНЛАР ҲУЖУМИ

НЬЮ-ЙОРК, 7 апрель. (ТАСС). Жанубий Вьетнам ватанпарварлари Куанчи шаҳри яқинидаги Америка ва қўғирчоқ ҳукумат қўшинларига кеча кечаси жуда катта зарба берди. АП агентлиги мухбирининг Сайгондан берган хабарида айтилишича, партизанлар дадил ҳужум килганлиги натижасида Американинг зенит батареяларига, қўғирчоқ қўшинлар икки полкининг штабларига катта шикаст етказилди: ҳарбий техника яксон қилинди ва ҳарбий аэродромга жиддий шикаст етказилди. Америка қўшинларининг солдат ва офицерларидан ҳам кўп киши ҳалок бўлди. Жанубий Вьетнам ватанпарварлари турмалардан 200 дан кўпроқ маҳбусни бўшатиб юборишди.

Ж. Помпиду—Франция бош министри

ПАРИЖ, 7 апрель. (ТАСС). Жорж Помпиду яна Франция бош министри қилиб тайинланди.

ДАВЛАТ БОШЛИҚЛАРИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ТУГАДИ

ҚОҲИРА, 7 апрель. (ТАСС). Африкадаги бешдавлат бошлиқларининг конференцияси кеча Қоҳирада ўз ишини тамомлади. Конференцияда Бирлашган Араб Республикасининг президенти Жамол Абдил Носир, Жазоир президенти Хуари Бумиддин, Танзания президенти Жулиус Ньерере, Мавритания президенти Моктар Ульд Дадда ва Гвинея президенти Аҳмад Секу Туренинг шахсий вакили—миллат мажлиси раиси Леон Мака қатнашдилар.

Конференция тамом бўлгандан кейин эълон қилинган якунловчи ахборотда айтиладики, конференция қатнашчилари Африка давлатларининг ҳамкорлиги тўғрисидаги масалани, Жанубий Родезия масаласини, Жанубий Арабистон халқининг озодлик курашини қўллаб-қувватлаш масаласини, Вьетнам проблемасини муҳокама қилдилар ҳамда ҳозирги халқаро вазиятнинг баъзи умумий жиҳатлари устида фикрлашиб олдилар. Қардош мамлакатлар президентларининг учрашуви, дейилади ахборотда, қитъани мустамлакачилик, ирқчилик ва чет эл эксплуатациясининг барча қолдиқларидан озод қилишдан иборат ўзларининг муқаддас вазифаларини амалга оширишга маҳкам бел боғлаган Африка халқларининг муқаррар ғалаба қилишига тўла ишонч руҳида ўтди.

ҲИНДИСТОНДА ҚОРА ЧЕЧАК

ДЕҲЛИ. (ТАСС). «Индиан экспресс» газетаси хабар беради: Ражастхон штатида яқинда қора чечак тарқалганлиги натижасида 1100 дан ортиқ киши ҳалок бўлди. Шу йилнинг бошидан буён қора чечак касали штатда 200 кишининг, шу жумладан штатнинг асосий шаҳри Жайпурда 110 кишининг ёстиғини қуритди.

ИЛОНЛАР КЎПАЙИБ КЕТДИ

ДОРУССАЛОМ. Танзания пойтахтида жуда кўп ёмғир ёқканлиги сабабли заҳарли илонлар ҳаммаёқни босиб кетди. Фақат икки кун ичидагина асосан қора ва яшил тусли заҳарли илонлар Дорусса-ломда беш кишини чақиб олди, вахолонки, ёмғирсиз ўтган етти ой мобайнида пойтахтда биронта чиқини илон чаққанлиги маълум бўлмаган эди. Билимдонлар ёмғир кўп ёғиб, ҳаво жуда совуқ бўлиб қолганлиги сабабли илонлар шу қадар кўпайиб ва улар одамларга кўпроқ ҳужум қиладиган бўлиб қолди, демоқдалар. Натижада заҳарли илонлар шаҳарда ўрмалаб юриб, одамларнинг уйларидан жой тошишга уринмоқда. Бепарво кишилар кўпинча илонларни кўрмай қоладилар, уларни босиб олиб, «меҳмондўстлик қилмаганликлари»нинг азобини тортадилар. (ТАСС).

ГОЛЛАР ВА ДУРАНГЛАР

Футбол

Ҳурматли футбол ишқибозлари! Мамлакат футбол чемпионатининг иккинчи тури ҳам тамом бўлди. Икки турдан сўнг командалар турнир жадвалида қуйидаги ўринларни эгаллаб туришибди:

	У	Т	О
1. «Динамо» Мн.	2	4—1	3
2. СКА (Р)	2	2—1	3
3. ЦСКА	2	2—1	3
4. «Динамо» К	2	1—0	3
5. Торпедо Кт.	2	1—0	3
6. «Нефтяник»	2	3—2	2
7. «Динамо» М	1	1—0	2
8. «Пахтакор»	2	1—1	2
9. «Арарат»	2	1—1	2
10. «Қайрат»	2	1—1	2
11. «Торпедо» М	2	1—1	2
12. «Заря»	2	1—1	2
13. «Локомотив»	2	2—2	2
14. «Шахтёр»	2	3—4	2
15. «Черноморец»	2	2—4	1
16. «Динамо» Тб.	2	2—3	1
17. «Кр. Советов»	2	0—1	1
18. «Спартак»	1	0—1	0
19. «Зенит»	2	1—4	0

Эслатма: У — ўйин, Т — тўплар нисбати, О — очиолар

Командалар кам ўйин ўтказганликлари туфайли ҳали тўла ўз ўринларини эгаллаб олганларича йўқ. Шунинг учун бир неча команда бир хил очкога ва бир хил тўплар нисбатига эга.

Ўтган куни тошкентлик футбол ишқибозлари мавсумнинг иккинчи ўйинини томоша қилдилар. Ишқибозлар кутганидек, бу ўйинда пахтакорчилар ўз ҳаволларини сал бўлса-да, ўнглаб олишлари лозим эди. Пахтакорчилар билан «Крилья Советов» (Куйбишев) командасининг учрашуви доимо кескин ўтади. Ўтган йили ҳамшаҳарларимиз бу команда билан ички учрашувда 3 очко олишга эришган эдилар.

Ўйиннинг биринчи бўлимида ҳар иккала команда ўйинчилари ўзларини кўрсата олмадилар. Рақибларининг бошлаган ҳужумларини ҳимоячилар барбод қилиб туришди. Фақат ўйиннинг йигирманчи минутидагина пахтакорчилар меҳмонлар дарвозасига томон биринчи тўпни тепдилар.

Учрашувнинг иккинчи бўлимида ҳар иккала команда ҳужумчилари бир неча бор ҳисобни очиш имкониятига эга бўлган бўлсалар-да, лекин бу қулай имкониятлардан фойдалана олмадилар. Ўйин 0:0 ҳисобида дуранг бўлиб тамомланди.

Ўтган чемпионатларда «Пахтакор» командаси мавсум бошларида анча яхши ўйнаб, ишқибозларни хурсанд қилган эди. Бу йил ўз майдонида ўтказган икки матчда ҳам дуранг билан тамомлаганликлари футбол мухлисларини ташвишлантирянти. Чунки «Пахтакор» келгуси учрашувларда бундан ҳам кучли, фахрли ўринлар учун даъвогарлик қилаётган командалар билан учрашади. Агар аҳвол шундай давом этаверса, пахтакорчилар ўтган йилгичалик ҳам муваффақиятга эришолмасликлари турган гап.

Команданинг дублёрлар состави эса икки учрашувда ҳам ютқазиб қўйди. Армиячиларга 1:0 ҳисобида ютқазган бўлса, «Крилья Советов» командасининг дублёрлар состави пахтакорчилар дарвозасига 2 жавобсиз тўп уришди.

Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Заря» — «Динамо» М. — 0:1, «Нефтяник» — «Черноморец» — 3:1, «Арарат» — «Динамо» К. — 0:0, СКА — «Зенит» — 2:1, «Шахтёр» — «ДИНАМО» Мн. — 1:4, «Қайрат» — ЦСКА — 0:1, «Динамо» Тб. — «Торпедо» М. — 0:1, «Торпедо» Кт. — «Локомотив» 0:0.

В. МАҲКАМОВ, П. ГАДОЕВ.

АЖОЙИБОТЛАР

ЁНҒОҚ... ЧИРОҚ ЕҚАДИ

Ажаб, ёнғоқдан ҳам чироқ ёнадими? Ҳа, ёнади. Яқинда Гавай оролларида шундай тажриба ўтказилди. Норжил ёнғоғи офтобга қўйилганда унинг магнзи электр қувватига айланаркан. Бу қувват билан кичик радиоприёмникларни ишлатиш мумкин. Олимларнинг аниқлашларича, ёнғоқ қуёш иссиғида турганда унинг магнзидаги айрим микроорганизмлар тез ривожланиб, магнздаги шарбат эрийди. Ана шу реакция натижасида электр қуввати пайдо бўлади. Бу қувват билан кичик радиоприёмникларни ишлатиш мумкин.

МЕРКУРИЙГА НИМА БЎЛДИ?

Бир неча йиллардан буён улкан радиоантеннолар орқали Меркурий сайёраси кузатилмоқда. Чунки у нейнинги пайтларда янги-янги «қилиқ»лар чиқармоқда. Илгари, Меркурийнинг бир томони ҳамма вақт Қуёшга қараб туради, деб ҳисобланарди. Ой ҳам бир томони доим Ерга қараб туради. Лекин кузатишлар натижасида Меркурий ҳам айланиб турили, у ерда ҳам кеча ва кундуз бўлиши аниқланди. Шу фактларга асосланиб олимлар, Меркурий яқиндан бошлаб мустақил планета ҳолига кирди, демоқдалар.

САМОЛЕТЛАР КУШАНДАСИ

Англиядаги аэродромлардан бирида техниклар самолёт қанотининг ҳар ер-ҳар ерида ёғ томгандек доғ борлигини, шу доғларнинг ости емирила бошлаганлигини аниқладилар. Текшириш натижасида бу доғлар занглаш натижасида эмас, балки алюминийга микроблар тушиши натижасида пайдо бўлганлиги маълум бўлди. Бу микроблар ёғ томган металлни бемалол кемирарканлар. Айрим микроблар алюминийни шундай тезлик билан кемирарканки, узоқ жойларга учадиган самолёт йўлда ҳалокатга учраши ҳам мумкин экан. Темирхўр микробларга қарши дори топилди. Техниклар реактив самолётларнинг қанотларини ва бошқа қисмларини биомицин билан бўямоқдалар.

ДЕНГИЗ ТРОЛЛЕЙБУСИ

Яқинда Италия билан Сицилия оралигида денгиз бўйлаб троллейбуслар қатнай бошлайди. Сув устида электр симлари тортилади. Сув троллейбуси йўловчиларни 100 километр тезлиқда манзилларига олиб боради. «ЮНОСТЬ»дан.

ОБ-ҲАВО

Бугун Ўзбекистоннинг кўпчилик районларида ҳаво ўзгариб туради. Жануб томонда ҳаво бир оз булутли бўлса ҳам ёғингарчилик бўлмайди. Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областида кечаси 0-3 атрофида, қолган областларда 3-8, кундузи эса 13-18, айрим жойларда 20 даражагача иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 3-5, кундузи 16-18 даража иссиқ бўлади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

7.45 — «Катталарга — болалар ҳақида» (суҳбат), 8.25 — Концерт, 9.30 — Чолғу куйлари, 10.30 — Шарқ халқлари куйлари, 11.10 — «Нафосат даврасида», 12.15 — Эрталабки салом (Москва), 13.00 — Концерт (чорвадорлар учун), 13.30 — Музикали салом, 15.20 — «Октябрь» адабий клуби (рус.), 16.00 — «Саҳнада Сора Эшонтўраева», 18.00 — «Ёшлик» радиостанцияси, 18.40 — Қозоқ куйлари, 19.20 — Концерт, 20.00 — «Нафосат даврасида» (такрорий эшиттириш), 21.20 — Куйлардан қўшиқларга, 22.00 — Дунё харитаси олдида, 22.10 — Рақсга марҳамат, 23.10 — Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 10.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 11.00 — **Бумми ҳайвонот боғида** (болалар учун кинофильм), 11.30 — **Юлдузча** (тележурнал), 12.00 — **Ғойиб-дан келган киши** (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 13.20 — **Киносаёҳатлар альманахи**, 13.40 — **Мактабимиз — фахримиз** (Қўқон шаҳар В. И. Ленин номидаги 8-мактаб ўқувчилари иштирокида эшиттириш ва концерт), 14.40 — **Инклар мамлакатида** (ҳужжатли фильм).

15.30 — **Эниш авжида** (қозоқ тилида).

16.55 — **Эшиттиришлар программаси.**

17.00 — **Энс ва Петрушка ҳақида эртак** (кинофильм).

17.50 — **Телевизион янгиликлар**, 18.05 — **Олим бўлсанг — олам сенники** («Ёшлик» студияси).

Рус тилида: 18.55 — **Телевизион янгиликлар**, 19.10 — **Фидойи** (бадиий фильм), 20.45 — **Эртаги кун программаси.**

Ўзбек тилида: 20.50 — **Сўлим баҳор** (адабий-музикали композиция), 21.40 — **Ота ва бола** (ҳужжатли фильм), 22.00 — **Концерт.**

23.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

10.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 11.00 — **Ўқув программа.** Ўрта мактабни битираётганлар учун. **Жамиятшунослик. Материя ва ҳаракат.** 12.00 — **Химия.** (Даврий қонун ва Менделеевнинг даврий жадвали). 12.30 — **Тарих.** (КПСС XXIII съездининг аҳамияти).

13.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 9/IV да кундуз **Доктор Айболит**, кечқурун **Дилором.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/IV да кундуз **Вероналик икки йигит**, кечқурун **Ўғирланган умр.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/IV да **Гулисиёҳ**, 10/IV да **Тошболта ошиқ.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Катта цирк томошалари. **Ҳиндистон филлари аттракциони.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — **Хоразм ансамблининг концертлари.**

КИНО

Кавказ асираси — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЧАЙКА», «ДРУЖБА», «ВОСТОК», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (кундуз соат 12, 2, кеч 6 ва 8 да).

Фақат кўнгилсизлик — «СПУТНИК» (кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да), «МОСКВА» (кундуз 4 ва кеч 9-40 минутда).

Уч бақалоқ (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да), **Кеча, бугун, эртага** (кундуз 5 ярим, кеч 7 ярим ва 9-15 минутда) — САНЪАТ САРОЙИ.

Граф Монте-Кристо — «ФЕСТИВАЛЬ» (кундуз ва кечқурун).

Бу телба дунё — СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Гўзал Василиса — «ЧАЙКА» (эрталаб соат 10 да).

Москва бўйлаб — «МОСКВА» (эрталаб соат 10 да).

1967 йил 25 апрель кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлимлари бирлашган илмий совети мажлисида (Гоголь кўчаси, 70-уй, катта конференц-зал фойеси) филология фанлари доктори деган илмий даражани олиш учун

М. Юнусов «Ўзбек совет поэзиясида традиция ва новаторлик проблемаси» (1917 — 1932 йиллар) деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИ

Диссертация билан академия кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

ҲУРМАТЛИ УРТОҚЛАРИ!

Ўз вақтида

1 МАЙ

БАЙРАМИ БИЛАН ТАБРИКЛАШНИ ЕДНИГИЗДАН ЧИҚАРМАНГ.

Қариндош, дўст ва таниш-ларингизни

1 МАЙ

байрами билан табриклама-моқчи бўлсангиз, махсус почта открит-калари ва конвертларидан фойдаланинг. Табрик телеграммаларини вақтида беринг.

АЛОҚА КОРХОНАЛАРИ

16 дан 20 апрелгача

ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАЛАРИНИ ВА ФОТОТЕЛЕГРАММАЛАРИНИ

(50 процент миндорида арзон ҳақ билан)

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Етказиб бериш куни кўрсатилган табрик телеграммалари фақат 27 апрелгача қабул қилинади.

Табрик хатлари, открит-калари, совғали посилка ва бандеролларни авиапочта орқали юборилганда ҳам, сўнгги байрам олди кунларига қолдирмаслик лозим.

Шу муддатда юборилмаган хат, табрик телеграммалари, совғали посилкалар, открит-ка ва бандеролларни вақтида етказиб беришга кафил эмасмиз.

Юборилади-ган хат, телеграмма, посилка ва бошқаларга ўзингизнинг ҳамда олувчининг адреси, почта бўлимининг номери, исми, фамилияси аниқ ва тўла ёзилиши керак.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ МАТЕРИАЛ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШ БОШҚАРМАСИ

18 дан 21 апрелгача

РЕСПУБЛИКА ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗАДИ

(«Восток» клубида, Навоий кўчаси, 16-уй).

станоклар ва технология асбоб-ускуналари, эҳтиёт қисмлар, электроматериаллар, химия материаллари, шунингдек, тайёр маҳсулотлар намойиш қилинади.

Ўзбекистон ССРнинг корхона ва ташкилотлари таклиф қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Глинка кўчаси, 3-уй, телефон 5—23—54.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ БИЛИМ ЮРТИ

сиртқи бўлимга

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 7-8-синфни тамомлаганлар учун 3 йилу 5 ой, 10-11-синфни тамомлаганлар учун 2 йилу 10 ой.

Аризалар **1 апрелдан 31 майгача** қабул қилинади.

Билим юртига кирувчилар **она тили** (ёзма), **она тили ва адабиёти** (оғзаки), **математика** (оғзаки)дан имтиҳон топширадилар.

Ўрта маълумотлилар математика ўрнига СССР тарихидан кириш имтиҳонларини топширадилар.

Директорнинг номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади:

Маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асл нусхаси), **таржимаи ҳол, учта фотосурат** (3×4), **медицина справкаси** (286 форма), **меҳнат дафтарчасидан кўчирма, турар жойидан справка.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Янгийўл райони, Ҳ. Турсунқулов номли колхоз, мактабгача тарбия билим юрти, («Янгийўл—интернат» автобуси билан бориш мумкин).

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги

ҲАМЗА НОМЛИ САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

қуйидаги вакант вазифаларда ишлаш учун қўшимча

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

театр ва хореография секторини мудири (фан доктори ёки кандидати), **ҳозирги замон музикаси ва фольклор, театр ва хореография, ҳозирги замон архитектураси секторининг старший илмий ходими** (фан докторлари ёки кандидатлари).

Конкурс муддати эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой.

Конкурс шартларига жавоб берадиган ариза ва ҳужжатлар Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 30-уйга юборилади.

Бизнинг адрес ва телефонлар СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 28. Редактор — В36545, Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323, Масъул секретарь — В34455, Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283. Партия турмуши — В33469. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — В31216, Коммунистик тарбия — В31455, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34780, Совет қурилиши — В33258, Қишлоқ хўжалиги—В37604, Адабиёт ва санъат — В32038, В37221, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451, Маҳаллий ахборот — В32347, Оммавий ишлар ва хатлар — В38679, В33553, Иллюстрация — В34524, Стенографистка — В37343, Корректура — В37162, Эълонлар — В38142, Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258.

№ А — 84. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64543. Р—05288.